

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



ЗОИРОВА ИРОДАБЕГИМ ФАЙЗИ ҚИЗИНИНГ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМОЛОГИЯСИ: КЕЛИБ ЧИҚИШ
САБАБЛАРИ, МУАММО ВА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАР**

5A240122-Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқук

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: С.А.Бердиалиев
Илмий маслаҳатчи: Б.Х.Пўлатов**

Тошкент-2022

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	5
I. БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМОЛОГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.	
1.1 Вояга етмаганлар виктимологиясининг таснифи ва келиб чиқиши сабаблари.....	11
1.2 Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар жабрланувчилар ва уларнинг зўравонлик қурбони бўлишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар ҳамда сабаблари.....	27
II. БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНИ БЎЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ.	
2.1 Жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини тартибга соладиган халқаро хужжатлар ва уларнинг таҳлили.....	38
2.2 Вояга етмаганларнинг зўравонлик қурбони бўлишининг олдини олишда халқаро ташкилотларнинг аҳамияти.....	49
2.3 Вояга етмаганлар жабрланувчилар билан ишлашда хорижий механизм: Швеция мисолида.....	54
III. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМИЗАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАР.	
3.1 Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш билан боғлиқ миллий қонунчилик таҳлили.....	67
3.2 Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар виктимизацияси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш омиллари ҳамда ҳуқуқий ечимлар.....	79
ХУЛОСА.....	85
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	91
ИЛОВА.....	99
ЖАДВАЛ.....	103

Аннотация. Мамлакатимизда вояга етмаганлар хуқуқларини тұлақонли таъминлаш соҳасида олиб борилған ислоҳотлар натижасида жиноят ва хуқуқбузарликлар жабрланувчиларини ўрганиш, уларнинг виктимологик профилактикаси, виктимизация субъектларининг янги тизими шаклланди. Бироқ вояга етмаган шахсларнинг ақлий ва жисмоний салоҳияти бошқа шахсларга нисбатан мутлақ фарқға эга, шунингдек уларнинг виктимизациясининг юқорилиги ва латентлиги асосий мезон ҳисобланади. Ушбу диссертация ишида вояга етмаган жабрланувчи шахс тушунчаси, уларнинг ижтимоий-рухий типологияси, жиноий хуқуқий механизмда жабрланувчиларнинг хулқи ва уларнинг жиноятдан кейинги хулқ-атвори, вояга етмаганлар виктимизациясининг сабаблари ҳамда уларни олдини олишга қаратылған хуқуқий ечимлар көлтирилган.

Аннотация. В результате проведенных в нашей стране реформ в области полноценного обеспечения прав несовершеннолетних была сформирована новая система расследования жертв преступлений и правонарушений, их виктимологической профилактики, субъектов виктимизации. Однако умственный и физический потенциал несовершеннолетних имеет абсолютную разницу по сравнению с другими лицами, а также основные критерии их высокого и позднего прохождения теста. В данной диссертационной работе представлено понятие жертв, их социально-психологическая типология, поведение жертв в уголовном праве и их поведение после совершения преступлений, причины насилия над несовершеннолетними и правовая решения, направленные их предотвращение.

Annotation. As a result of reforms carried out in our country in the field of full fledged provision of the rights of minor, a new system of investigation of the victims of crimes and offenses, their victimological profilactics, the subject of victimization was formed. However, the mental and physical potential of minors has an absolute difference compared to other individuals, as well as the main criteria for

their high and latentess of the quiz. In this dissertation the concept of victims, their socio-psychological typology, the behavior of victims in the criminal law and their behavior after the crime, the reasons for the victimization of minors and legal solutions aimed at their prevention were presented.

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзабрлиги ва зарурати. Ўзбекистон Республикасида умумий томондан хукуқбузарлик ва жиноят жабрланувчиларини ўрганиш ва виктимизациянинг олдини олиш соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-хукуқий база шаклланган. Виктимологик профилактиканинг самарали фаолияти натижасида мамлакатимизда хукуқ-тартибот мустаҳкамланди ҳамда криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бу эса фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда БМТнинг Бола хукуқлари тўғрисидаги конвенциясининг талабларига риоя этилишини таъминлаш, болаларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, оиласда ҳам уларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, болаларга нисбатан оилавий мухитдаги хукуқларини ҳимояга қилишга доир халқаро стандартларни имплементация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мазкур масаланинг долзарблиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида шу жумлаларга эътироф этиб ўтган: “Умуман ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларими кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарни пухта эгаллаган, азму шижаатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”¹. Бу жамиятнинг яшовчанлиги ва унинг келажақдаги ривожини прогноз қилишда ўсиб келаётган авлод ҳал қилувчи роль ўйнашини англатади.

¹ 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://president.uz/uz/lists/view/4057>

Сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун хужжатлари, илгари “ёпик“ бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритишнинг имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола ҳукуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори, “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4342-сон қарори, “Бола ҳукуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон қарори, “Бола ҳукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон фармони нинг қабул қилингандиги фикримизни тасдиқлайди.

Шунингдек мамлакатимизда бу соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар жабрланувчиларини ўрганиш, уларнинг виктимологик профилактикаси, виктимизация субъектларининг янги тизими шаклланди.

Ушбу диссертация ишининг долзарблиги шундан иборатки, юқорида келтирилган ҳукуқий ислоҳотлар виктимология субъектларининг умумий томонлари тааллуқлидир. Бироқ назарий ва ҳукуқий томондан халқаро тизимда виктимология соҳасида вояга етмаганлар алоҳида субъект сифатида ажратилган. Чунки вояга етмаган шахсларнинг ақлий ва жисмоний салоҳияти бошқа шахсларга нисбатан мутлақ фарқга эга, шунингдек уларнинг виктимизициясининг юқорилиги ва латентлиги асосий мезон ҳисобланади.

Бола ҳукуқларига оид миллий ва халқаро норматив-ҳукуқий хужжатларда ҳам айнан вояга етмаган шахслар ўз ҳукуқларини ўзлари томондан мустақил амалга ошира олмасликлари ҳамда ҳимоя қила олмасликлари сабабли, бола ҳукуқларини ҳуқуқ тизимида тўлақонли таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу тадқиқот давомида миллий ҳукуқий нормалар амалиётда фақат вояга етмаганларнинг

жабрланиш ҳолатидан кейинги ҳуқуқларини таъминлаш чораларига қаратилган бўлиб, улардаги муаммоларни аниқлаш ҳамда олдини олишда тўлиқ кафолат таъминланмаслиги аниқланган. Ушбу диссертация ишида вояга етмаган жабрланувчи шахс тушунчаси, уларнинг ижтимоий-рухий типологияси, жиноий ҳуқуқий механизмда жабрланувчиларнинг ҳулқи ва уларнинг жиноятдан кейинги ҳулқ-автори, вояга етмаганлар виктимизациясининг сабаблари ҳамда уларни олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ечимлардан иборат.

Тадқиқотнинг обьекти. Вояга етмаган шахсларнинг виктимизацияси, уларнинг қайта жабрланиш ҳолатининг сабаблари ҳамда муаммоларига оид ижтимоий муносабатлар тизими тадқиқотнинг обьекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Вояга етмаган шахсларнинг виктимизацияси, уларнинг қайта жабрланиш ҳолатининг сабаблари ҳамда муаммоларига оид ижтимоий муносабатлар тизими тартибга солувчи халқаро, миллий ҳамда хорижий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илмий-назарий қарашлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаганларнинг виктимлик ҳолати, жабрланувчининг шахси, уларнинг сабаблари, ва содир этилишига имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фокароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратилган виктимологик профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, амалиётга татбиқ қилишдан иборат. Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

— Вояга етмаганлар виктимологиясининг долзарб муаммоларига бағишлиланган мавзусида илмий тадқиқотни амалга ошириш ҳамда уларнинг ечими бўйича илмий хулоса, амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

- Вояга етмаганлар виктимизациясининг вужудга келиш сабаблари ва уларга имкон яратоётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича назарий билимларни яратиш;
- Хорижий тажрибани ўрганиш ва илгор хориж тажрибасини виктимологик профилактикада қўллаш;
- Амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, чукур илмий хуросаларга таянган ҳолда, виктимологик профилактика самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Амалиётни виктимологик профилактика самарадорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган муҳим тавсиялар билан таъминлашдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ушбу диссертация ишининг янгилиги шундан иборатки, виктимологияда айнан вояга етмаганларни алоҳида субъект сифатида назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Лекин Ўзбекистон шароитида эса, 2021 йилда М.Рустамбоев ва С.Ниёзова томонидан виктимологиянинг умумназарий қоидалари илмий жиҳатдан ёритилган. Мазкур диссертация ишида юқоридаги олимларнинг тадқиқотлари ҳамда миллий ва хорижий амалиётдан келиб чиқсан ҳолда вояга етмаганлар алоҳида субъект сифатида олиниб, болаларнинг виктимизациялашуви, сабаблари, муаммо ва уларга қўйидаги ҳуқуқий ечимлар келтирилган:

- Амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб, чукур илмий хуросаларга таянган ҳолда, виктимологик профилактика самарадорлигини янада ошириш бўйича тавсиялар;
- Амалиётни виктимологик профилактика самарадорлигини янада мустаҳкамлаш бўйича ишлаб чиқилган муҳим тавсиялар;
- Болаларни заарали ахборотдан ҳимоя қилишга доир нормаматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини ссамарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар;

— Вояга етмаганлар виктимизациясини олдини олишда ота-оналарнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча тавсиялар.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Вояга етмаганлар виктимологияси уларнинг келиб чиқиш сабаблари, муаммо ва ечимлар масалалари миллий олимларимиз томонидан деярли ўрганилмаган. Ўзбекистонлик олим ва мазкур соҳада илмий тадқиқот олиб борган М.Рустамбоев, С.Ниёзова томонидан виктимологиянинг умумназарий жиҳатлари², З.Эсанова³, Ф.Мируктамова⁴ томонидан вояга етмаганларнинг суд ишларида иштирокига оид ҳукуқларини таъминлаш мавзуларида, А.Х.Сайдов⁵ томонидан бола ҳукуқларини таъминланишининг ҳалқаро ҳукуқдаги аҳамиятига оид илмий ишлар ўрганилган.

Шунингдек вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳамда болаларнинг виктимизацияси ҳолатларининг келиб чиқиши соҳасида чет эл эксперт ва олимларидан Т.В.Варчук, Е.Н.Ершова, Л.С.Алексеева, Б.Нейл, А.Л.Генлей, Б.Фортсон, Ж.Клевенс, М.Меррик, Л.Гилберт, С.Александер, С.Грахам, С.Лимбер, П.Олвис⁶ ва бошқалар изланишлар олиб боришган.

² Rustambayev M.X.,Niyozova S.S. Viktimologiya Umumiy qism. Darslik// Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2021. – 239 b.

³ З.Н.Эсанова. “Бола тарбияси билан боғлиқ низоларнисудда кўришнинг процессуал хусусиятлари”. // Масъул мухаррир: Академик, ю.ф.д., проф. Ҳ.Рахмонкулов. – Тошкент.: ТДЮИ нашириёти, 2010. -289 бет.

⁴ Ф.Мирўқтамова. “Ҳалқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда вояга етмаганлар одил судлови тизимиға оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар” –Тошкент, ТДЮУ, Юридик фанлар аҳборотномаси, 2019. -№3. –Б.147.

⁵ Bola huquqlari monitoringi. O'quv-uslubiy qo'llanma /Mas'ul muharrir A.X.Saidov. –T.: Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Rjspublikasi Milliy markazi, 2011. -B.5

⁶ Варчук Т.В. Виктимология: учеб.пособие для студентов вузов /Т.В.Варчук, К.В.Вишневский; под.пред. С.Я.Лебедева. –М.: Юнита-Дана, 2008. –С. 38.; Домашнее насилие: социально-правовой аспект. Учебно-методическое пособие под общей редакцией Е.Н.Ершовой, при участии С.Г.Айвазовой. Москва-2013. <http://www.wcons.org.ru/>; McLeod D,Flood S. (2018), Coercive control: Impacts on children and young people in the family environment, Research in Practice SafeLives commissioned literature review pp.35.; Ganley, A. L., & Schechter, S. (1996). Domestic violence: A national curriculum for children's protective services. San Francisco, CA: Family Violence Prevention Fund. sciencedirect.com; Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. — М.: Национальный книжный центр, ИФ «Сентябрь», 2016.; Fortson B, Klevens J, Merrick M, Gilbert L, Alexander S. (2016). Preventing Child Abuse and Neglect: A Technical Package for Policy, Norm, and Programmatic Activities. Atlanta, GA: National Center for Injury Prevention and Control, Centers for Disease Control and Prevention.; Juvonen, J.; Graham, S. (2014). "Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims". Annual Review of Psychology. 65:159–85.doi:10.1146/annurev-psych-010213-115030

Бундан ташқари, ушбу соҳада жабрланган болалар билан ишлаш тизимиға оид – Кокоза, Виклунд, Оверлин, Каролина, П.Левинер, Макколъм, Поннерт, Лина⁷ каби хорижий олим ва мутахассислар томонидан Швецияда ҳуқуқбузарлик ва жиноят жабрланувчиси бўлган вояга етмаган шахслар билан ишлаш ва уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш тартиби ўрганилган.

Тадқиқот услублари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-хуқуқий таҳлил, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хulosалар, таклиф ва тавсиялардан жиноят ҳуқуқи соҳасида тадқиқот ишларини олиб боришда, “Виктимология” ва “Криминология” каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда ва бошқа ҳуқуқий фанлар юзасидан маъруза матнларида, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти вояга етмаганлар виктимизациясини олдини олишда ва улар билан ишлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишида ҳамда унинг натижаларидан соҳага оид қонун ҳужжатларини янада яхшилашда иодаланиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Кириш, уч боб, етти параграф, хulosса фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар каби қисмлардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

(<https://doi.org/10.1146%2Fannurevpsych010213115030>).; Limber, S. P., Olweus, D., & Wang, W. (November, 2012). What we are learning about bullying: trends in bullying over 5 years. Paper presented at the meeting of the International Bullying Prevention Association. Kansas City, MO.

⁷ Coccozza, 2007; Wiklund, 2006; Sundell va boshq., 2004; Vinnerljung va boshq., 2001; Sundell & Karlsson 1999; Östberg, 2010.; Gilbert, Neil (2012). A comparative study of child welfare systems: Abstract orientations and concrete results. Children and Youth Services Review, 34(3): 532-536, 5 s.; Överlien, Carolina (2017). 'Do you want to do some arm wrestling?': children's strategies when experiencing domestic violence and the meaning of age. Child & Family Social Work, 22(2): 680-688, 9; Pernilla Leviner (2014) Child protection under Swedish law—legal duality and uncertainty, European Journal of Social Work, 17:2, 206-220.; Payne, Malcolm (2014). Modern Social Work Theory 4th NY: Palgrave and McMillan, 441p; Ponnert, Lina (2012) Child protection in Sweden by Lina Ponnert 30,pp

I. БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМОЛОГИЯСИННИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ.

1.1 Вояга етмаганлар виктимологиясининг таснифи ва келиб чиқиши сабаблари.

Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўплаб давлатлар қонун ҳужжатларида инсон ҳимояси ва ҳуқуқларини белгилаш ва таъминлашга алоҳида эътибор қаратади бошлади.

Барча давлатларда ва халқларда одил судлов тизимида жиноятларни олдини олиш ва айборларни аниқлаш, уларга адолатли жазо тайинлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Жиноий юстиция бутунлай “давлат ва жиноятчи” муносабатларига асосланганлиги сабабли, жиноят қурбонларининг аҳволи, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари эътибордан четда қолиб келган.

Жиноятдан жабрланган масаласи сиёсий-ҳуқукий ва этник жиҳатдан жиноятчилик масаласининг юзага келиши билан пайдо бўлган. Замонавий криминологиянинг соҳаларидан бири бўлган виктимология XX асрнинг 40-йилларида авж олган жиноят жабрланувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган.

Виктимология тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, лотин тилида “виктима” қурбон, “логос” грекча таълимот сўзларидан олинган бўлиб, ўз хулқ-автори билан жиноятнинг қурбони бўлган шахс, жиноий зўравонлик қурбонига хос хусусиятга эга бўлган жабрланувчи тўғрисидаги таълимотдир⁸.

Мазкур тушунчалар икки хил шаклда ифодалансада, МДҲга аъзо мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон виктимологияси соҳасида “курбон” атамаси билан бирга “жабрланувчи” ибораси ҳам бир хил мазмунда ишлатилади. Адабиётларда жабрланувчи юридик меъзонининг моҳиятига кўра, моддий ҳуқуқ тизимиға мансублигига кўра ажralиб туради. Ўзбекистон

⁸ Rustambayev M.X.,Niyozova S.S. Viktimologiya Umumiy qism. Darslik// Toshkent: O`zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2021. – 239 b.

Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 54-моддасига кўра, жабрланувчи – жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб хисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилиши белгиланган. Шунингдек жабрланувчи деб эътироф этиш хақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқариши кўрсатилган. Мазкур моддага мувофиқ жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади.

Масаланинг назарий ва ҳуқуқий таҳлилига ўтадиган бўлсак, болалар дейилганда амалдаги кодексларда қуидаги иборалар ишлатилади: «бола», «гўдак», «эмизадиган бола», «кичик ёшдаги бола», «ўспирин» (14 ёшдан 18 ёшгacha), «вояга етмаган болалар» (18 ёшга тўлмаган)⁹.

Вояга етмаган болалар дейилганда ўн саккиз ёшга тўлмаган болалар тушунилади. Амалдаги қонунлар билан белгиланган бола ҳуқуқлари уларни туғилиши билан вужудга келади. Уларнинг муомала лаёқати ҳар бир давлатларнинг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Айрим мамлакатларда вояга етганлик факти ёш цензи билан эмас, балки инсон ҳаётидаги у ёки бу юридик фактнинг содир этилиши билан белгиланади. Мисол учун, Африканинг бази давлатларида шахс никоҳга кириб оила курганидан сўнггина вояга етган деб ҳисобланади¹⁰.

“Инсон ҳуқуқлари умумжахон Декларацияси”да, 1924 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари Женева Конвенцияси”да ва 1959 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари” Декларациясида вояга етмаганлар доирасини белгиловчи норма мавжуд эмас¹¹.

⁹ Neale, B. And C. Smart. (1997). “Experiments with Parenthood?” Journal of Sociology, 38 (2), 201-219.

¹⁰ Yhoga zaw of persons//Rwading in African Zaw.<http://books.google.co.uz>.

¹¹ Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясига шархлар. –Тошкент. Адолат, 1999. -80 б.

Мазкур тушунчага янги даврга келиб, яъни 1989 йилдаги БМТнинг “Бола ҳуқуқлари” Конвенциясида “бола” тушунчасига тариф берилади. Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида берилган таърифга асосан, бола бу агар қонун бўйича ушбу болага вояга етганлик олдиндан белгиланмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон ҳисобланади. Шунингдек Конвенцияга мувофиқ, болалар нафақат пассив ғамхўрлик обьекти сифатида, балки маҳсус ҳуқуқлар тўпламига эга шахслар сифатида қаралади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларнинг teng, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги”¹² эътироф этилган.

Айрим олимлар жиноят қурбонларини типларга ажратиш масаласини ҳал қилишда жабрланувчининг нафақат жиноий-процессуал мақомини, балки уларнинг барча шахсий аломатларини эътиборга олиш зарурлигини таъкидлайдилар. Жумладан, Т.В.Варчук жабрланувчиларнинг қуйидаги таснифини таклиф этади:

- Потенциал қурбон – бу ўзининг шахсий сифатлари, мақоми, позицияси, хулқ-автори каби хислатлари туфайли жиноятдан олдин “қурбон” ролини эгаллаши мумкин бўлган шахсдир;
- Тасодифий қурбон – бу ҳам потенциал қурбон типига мансуб бўлсада, лекин у тасодифий вазиятлар ёки жиноятчининг танлови сабабли қурбонга айланади. Базан тасодиф жиноятнинг қурбонига ким айланишини белгилайди.
- Латент қурбон – бу жиноятдан реал ва амалда жабр кўрган шахс бўлиб, муайян сабаблар туфайли мазкур ҳолат аниқланмай ёки расмийлаштирилмай қолган қурбон типидир¹³.

¹² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь)/ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси// <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

¹³ Варчук Т.В. Виктимология: учеб.пособие для студентов вузов /Т.В.Варчук, К.В.Вишневский; под.пред. С.Я.Лебедева. –М.: Юнита-Дана, 2008. –С. 38.

Бундан ташқари, демографик ва ижтимоий белгилар – жинси, ёши ва мансаб даражасига асосланган тасниф кенг қўлланилади. Амалиётда ҳар доим ҳам потенциал ва реал виктимлашув бир-бирига доим ҳам мос келавермайди. М.Рустамбаев ва С.Ниёзованинг фикрича, турли ёшдаги шахслар ёш билан боғлиқ ўзига хос руҳий-жисмоний хусусиятга эга. Бундан келиб чиқадики, вояга етмаганлар ўзларининг қизиқувчанликлари, ишонувчанликлари, тез таъсир остига тушишлари, жисмоний кучизилклари сабабли юқори виктимликка эгадир. бундай сифатлар вояга етмаганларни нафақат қурбонга айланишлари учун, балки жиноят содир этишлари учун ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра 12-14 ёшгача давр шахснинг энг виктимлик ёшидир¹⁴.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда вояга етмаганларни ҳар қандай безориликлардан, шу жумладан таълим ва бошқа ижтимоий муносабатларда содир этиладиган жиноий безориликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита 2011 йилдаёк БМТнинг маҳсус сессияларидан бирида асосий муаммолардан бири сифатида болаларга нисбатан зўравонлик ходисасининг дунёда кенг таркалган амалиёт эканлигини кўтариб чиқсан эди: “У кўплаб шаклларда намоён бўлмоқда ва турли даражадаги шафқатсизлик билан амалга оширилмоқда. Агар Қўмита ўзида мавжуд бўлган барча маълумотларни жамласа, даҳшатли ҳамда жуда хавфли ҳолат кўзга ташланади. Улар бола ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ кўплаб ҳодисалардан иборат бўлиб, бу дунёning болаларни ўз ҳуқуқларига эга шахс сифатида хурмат қилишдан нақадар узок, эканлигини тасвирлаб беради”¹⁵.

Ушбу сессиядан аввалроқ БМТ Болалар жамғармаси мутахассислари оиласиий зўравонлик муаммосига бағишлиланган халқаро тадқиқот

¹⁴ Rustambayev M.X., Niyozova S.S. Viktimologiya. Umumiy qism. Darslik. // Toshkent: O`zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2021. – 239 b.

¹⁵ Дунёда болаларнинг ҳолати // БМТнинг маҳсус сессиясидаги маъруза, 2001 www.unicef.org

натижаларини эълон килган эди. Улар бутун дунёда 275 миллион болалар зўравонлик қурбонлари булаётганлигини аниқладилар, шунингдек уларга зўравонликнинг беихтиёр гувоҳлари ҳам киришини эътиборга олган эдилар. БМТ маълумотларига кўра, дунёдаги қарийб 6 миллион бола ишлашга мажбур, уларнинг кўпларини меҳнат қилишга мажбур қилинмоқдалар. Маъруза муаллифларининг тахминларига кўра, бир миллиард атрофидаги болалар мактабдаги жисмоний жазодан қонун билан ҳимояланмаган. Барча рақамлар тахминий бўлиб, болаларга нисбатан зўравонлик ҳодисаси кўпинча жамиятдан яширин равишда амалга оширилади.

Е.Н.Ершованинг таҳлилига кўра, жинсий ёки жисмоний зўравонлик курбонига айланган болалар ва ўсмирлар кўпинча бундай хатти-ҳаракатларни этарли даражада жиноий эмас деб ҳисоблаб, ёки ошкоралик, қасос олишдан кўркиб, шунингдек бошқа сабабларга кўра ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермасликни афзал кўрадилар. Мактабда ёки бошқа таълим муассасасида ўқиётганда ўсмир ўқитувчидан, муассасанинг ўзи ишонган бошқа ходимидан ёрдам сўраши мумкин. Таълим муассасасида адвокат бўлиб ишлаш амалиёти шуни кўрсатдики, ўсмир баъзан унга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳақида гапиришдан уялади. Бола билан гаплашаётганда сиз баъзи хусусиятларни ҳисобга олишингиз керак. Шундай қилиб, вояга этмаганлар, улар билан қилинган ҳаракатларнинг моҳияти ва маъносини тушунмасдан, хаёлпарастликка қодир. Вояга этмаганларнинг сўзларига алоҳида эътибор бериш керак¹⁶.

Юқорида келтирилган БМТниинг тадқиқот ўтказган мутахассислари болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик кўпинча жамоатчилик томонидан оддий ҳол сифатида баҳоланаётганлигини таъкидлайдилар. Мутахассислар шунингдек ушбу баҳо жуда юзаки бўлиб, рақамлар реал мавжуд бўлган ҳолатдан кескин фарқ қилиши мумкин, чунки уй шароитидаги зўравонлик

¹⁶ Домашнее насилие: социально-правовой аспект. Учебно-методическое пособие под общей редакцией Е.Н.Ершовой, при участии С.Г.Айвазовой. Москва-2013. <http://www.wcons.org.ru>.

холатлари ҳакида ҳар ким доим ҳам ҳуқуқини муҳофаза қилиш органларига маълум қилинавермайди.

Шу билан бирга тадқиқот натижаларига кўра, кичик болалар майший зўравонликка ўсмирларга қараганда кўпроқ дучор бўлмоқдалар ва бу уларнинг ақлий ва ҳиссий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Улар катта бўлгач, мактабда муаммоларга дуч келишлари мумкин, тенгдошлари билан мулоқот қилиши қийинлашиб бораверади, депрессиядан, кучли ҳаяжон ва бошқа руҳий бузилишлардан азият чекадилар. ЮНИСЕФ мутахассисларининг фикрига кўра, ушбу болалар орасида кўпинча ичқиликбозлик, гиёҳвандлик ҳамда ўсмирлар жиноятчилиги ҳодисалари юз бсрди. Майший зўравонлик хукм сурувчи оиласарда усаётган болалар тажовузкорроқ бўладилар.

Болаларнинг ўзлари калтакланиш ёки жинсий тажовузга дучор бўлмасаларда, бирга яшаётган қариндошларида ушбу хулқ-атворни кузатишади ва бу уларнинг руҳий ва психологик саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Майший зўравонликнинг қурбони ёки гувоҳи бўлган болаларнинг 40 фоиз атрофидагилар катта бўлганларидан кейин ҳам унинг таъсиридан кутула олмайдилар - ё ўзлари зўравонлик қурбони бўладилар, ёки оиласавий зўравонлик шароитида ўсганлиги сабабли, оиласавий зиддиятларни ҳал қилишининг ягона йўли зўравонлик деб ҳисоблаган ҳолда, ўзлари ҳам зўравонликни амалга оширадилар.

Зўравонлиқдан эркаклар, хотин-қизлар ҳам жабрланиши мумкин, лекин вояга етмаганларнинг зўравонлиқдан жабрланиш эҳтимоли юқорилиги, зўравонлик турлари, оғирлик даражаси ва келиб чиқадиган оқибатлар кескин фарқланишини инобатга олган ҳолда, сўнгги ислоҳотлар айнан уларни ҳимоя қилишни талаб этади.

Шунингдек Д.Маклеоднинг фикрича, болалар билан оиладаги муносабатда кўпинча катталар уларни қўшимча назорат қилиш воситаси сифатида қарашлари мумкин, шунинг учун ҳар қандай профессионал орган

ходимлари зўравонликни олдини олиш жараёни давомида жабр етказувчиларнинг ниятларини тушунишлари жуда муҳимдир¹⁷.

Оилада содир этиладиган зўравонлик ижтимоий ҳаётдаги ва таълим муассасаларида содир этилган қилмишлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб туради:

- зўравон шахс жабрланувчини тўлиқ назорат эта олади, жабрланувчи зўравондан қочиши ва хавфсиз қолишининг имкони йўқ;
- зўравонлик бир шахснинг бошқа шахсга нисбатан устунлик қилиш ва уни назорат қилиш мақсадида содир этилади;
- зўравон шахс ва жабрланувчи ўртасида эмоционал боғлиқлик мавжуд. Жабрланувчи зўравонга нисбатан кучли эмоционал қарамликни ҳис этиши ва учинчи шахс ёрдам бермоқчи бўлганида зўравоннинг ёнини олиши мумкин;
- жамият аъзолари оила ишига аралашишни хоҳламайдилар;
- оилада содир этилган зўравонлик даврий характерга эгадир.

Мутахассисларни фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, оилавий зўравонлик билан яшайдиган болалар кўплаб хавф-хатарларга дуч келишади, масалан, травматик ҳодисаларга дучор бўлиш хавфи, қаровсиз қолиш хавфи, бевосита зўравонлик хавфи ва ота-онасидан бирини ёки иккаласини йўқотиш хавфи. Буларнинг барчаси болалар учун салбий оқибатларга олиб келиши ва уларга аниқ таъсир кўрсатиши мумкин. Тадқиқотлар доимий равища оиладаги зўравонлик билан боғлиқ болалар муаммоларининг учта тоифаси мавжудлигини аниқлади:

- Хулқ-атвор, ижтимоий ва ҳиссий муаммолар — юқори даражадаги тажовузкорлик, ғазаб, душманлик, мухолиф хатти-харакатлар ва итоатсизлик;

¹⁷ McLeod D,Flood S. (2018), Coercive control: Impacts on children and young people in the family environment, Research in Practice SafeLives commissioned literature review pp.35.

кўркув, ташвиш, чекиниш ва депрессия; камбағал тенгдошлар, ақа-ука ва ижтимоий муносабатлар; ўзига паст баҳо бериш.

- Когнитив ва аттитудинал муаммолар—когнитив фаолиятнинг пастлиги, мактабда ўз ишининг ёмонлиги, можароларни ҳал қилиш кўникмаларининг йўқлиги, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятларининг чекланганлиги, зўравон хатти-ҳаракатлар ва муносабатларни қабул қилиш, қаттиқ гендер стереотиплари ва эркак имтиёзларига ишониш.
- Узоқ муддатли муаммолар — катталар руҳий тушкунлиги ва травма белгиларининг юқори даражаси, катталар муносабатларида зўравонликка нисбатан ҳаракатсизлик¹⁸.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган ҳалқаро хужжатлар ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқларига оид Кўмитасининг болаларнинг ҳар қандай зўравонликдан мустақиллигига оид 2011 йил 18 апрелдаги №13 сонли¹⁹ тартиб-қоидаларига асосан болаларга нисбатан зўравонлик ва нолойик муносабат турларини қуидагича кўришимиз мумкин.

Жисмоний зўравонлик - шафқатсизлик ва болага оғриқ келтирувчи ҳамда унинг соғлиги ва ривожланинига зарар етказувчи инсониятга мос бўлмаган мақсадга йўналтирилган бошқа хатти-ҳаракатлар:

- болага етказилган ҳар қандай тана жароҳати ёки оғриқ бериш (уриш, чимчилас, тишлиш, куйдириш, болани бўғиш ёки чўктириш)
- болага тана жароҳати етказилишига қаршилик қилмаслик
- болани ҳар қандай жисмоний жазолаш - тарсаки, калтаклаш, тахқирлаш
- болани дори ёки бошқа кимёвий воситалар ёрдамида захарлаш

¹⁸ Ganley, A. L., & Schechter, S. (1996). Domestic violence: A national curriculum for children's protective services. San Francisco, CA: Family Violence Prevention Fund. sciencedirect.com

¹⁹ Замечание общего порядка №13, Право ребенка на свободу от всех форм насилия, CRC/C/GC/13, 18 апреля 2011г.

Жинсий зўравонлик - катталарнинг жинсий эҳтиёжларини қондириш учун болалардан фойдаланиш. Болани жинсий фолиятга жалб қилиш учун таҳдид, куч, айёрлик ва ишончдан фойдаланиш.

- бола билан ҳар қандай жинсий алокага ёки муносабатлар (куч ишлатган ҳолда ёки ишлатмасдан)
- болани жинсий алокага жалб қилувчи ҳар қандай хулқ-атвор
- жинсий тавсифдаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлар - уйинлар, сухбатлар, фото ва видео гасвирларни томоша қилиш

Эмоционал (рухий) зўравонлик - болага лозим даражада эътибор бермаслик, ғамхўрлик қилмаслик, қўллаб-қувватламаслик, ҳиссий якинлик кўрсатмаслик. Бола доимий равищда эътибор ва меҳрнинг етишмаслигини хис қилиб туради, таҳдид ва камситишларга дучор бўлади ва бу ўз қадр-кимматини билмаслик ва ўзига ишончсизликни ошишига олиб келади.

- ёлғон, таҳдид. қўрқитищ, камситищ, ҳақорат қилиш;
- боладаи воз кечиши, изоляция
- ноижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ва мажбурлаш
- бола бажара олмайдиган ишларии бажаришни асоссиз талаб килиш
- боланинг меъёрида ривожланишига тўсиқ бўлувчи ортиқча ҳомийлик
- катталарнинг ўз ваъдаларини бажармаслиги, болада ишонч туйғусининг бўзилиши.

Эҳтиёtsiz муносабат (бефарқлик) - боланинг жисмоний, руҳий, ақлий ва ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатилишига олиб келувчи хаётий эҳтиёжларни қондирилмаслиги.

- эътиборсиз, қаровсиз қолдириш, хавф остида қолдириш;
- бола эҳтиёжларига нисбатан бефарқлик (овқатланишига, тиббий кўмакка, таълимга, мулоқотга, ривожланишига бўлган эҳтиёжларининг қондирилмаслиги);

- ҳиссий яқинликнинг йўклиги (ундан воз кечиш)
- мавжуд таҳдиддан болани ҳимоя қила олмаслиқ (истамаслик)

Эксплуатация - боладан ўз манфаати йўлида фойдаланиш - оғир меҳнат, трафик (фойдаланиш мақсадида болаларни олиб чиқиб кетиш, сотиш).

Л.Алексееванинг таъкидлашича, энг кенг тарқалган зўравонлик турибу – жисмоний куч ишлатишдир. Бутун дунёда мазкур зўравонликнинг асосий қурбонлари болалардир. Жисмоний зўравонлик объектив томонлари: юзга зарба бериш, силкитиш, уриш, бўғиш, тепиш, эркинликни чеклаш, камар, арқон билан уриш, оғир нарсалар ва ҳатто пичоқ билан уриш каби намоён бўлади. Жисмоний зўравонлик таҳдидлар (шу жумладан курол билан) ва шахсий мулкни йўқ қилиш, ёпиқ хонада қамоққа олиш ва бошқалар каби билвосита харакатларни ўз ичига олади²⁰.

Адабиётларда синонимлари сифатида «Зулм» ва «номуносиб муносабат» сўzlари ишлатиладиган «болаларга нисбатан зулм» тушунчаси (ингл. Child Abuse) Бутунжахон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан 1999 йилда таклиф этилган қуйидаги таърифга таянади: «Зулм» ёки «болалар билан қўпол муомалада бўлиш» «...боланинг соғлигига, яшаши, ривожланиши ва лаёқатига амалий зарап кслтирадиган ёки зарап еткариши мумкин бўлган барча турдагн жисмоний ёки эмоционал салбий муносабат, жинсий зулм, эҳтиёtsиз ёки бефарқ муносабат, коммерция ёки бошка максадлардаги эксплуатацияси»²¹ни англатади.

Демак, халқаро амалиётда қабул қилинган «болага нисбатан зулм» атамаси ўзида «эҳтиёtsиз муносабат» ҳамда «ташлаб қўйилганлик» (ингл. Neglect) тушунчаларини ҳам ўзида мужассам этади.

²⁰ Алексеева Л.С. Жестокое обращение с детьми: его последствия и предотвращение. — М.: Национальный книжный центр, ИФ «Сентябрь», 2016.

²¹ “Ўзбекистонда болаларни нолойик муносабатдан мухофаза қилиш тизими” тренинга материаллари асосида. Save the Children (UK), 2003.

Бир неча мутахассисларнинг фикрича, болаларга нисбатан зўравонлик ва бепарволик натижасида уларнинг умрбод саломатлиги ва фаровонлигига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, болалик даврида зўравонликка дучор бўлиши жароҳатлар, келажакда зўравонлик қурбони бўлиш ва содир этиш, гиёҳванд моддаларни суистеъмол қилиш, жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар, мия ривожланишининг кечикиши, таълим даражасининг пастлиги ва иш имкониятларининг чекланганлигини оширади²².

Ўзбекистонда «болаларга нисбатан зумл ва эҳтиёtsиз муносабат» тушунчаси аввало конуний асосга таянади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, зулм деганда эҳтиёtsиз ва локайд муносабатда бўлиш назарда тутилмайди. Зулм ва локайд муносабат қуидагича таърифланади:

Болага нисбатан зулм - боланинг ихтиёрига зид равишда ёки унинг кўмакка муҳтоj холатидан фойдаланиб, унинг шахсий дахлсизлик хуқуқини бузувчи жисмоний, жинсий ва рухий таъсир курсатишдир. Мазкур таърифга биноан, зулмнинг жисмоний, жиснсий ва рухий куринишлари ажратиб курсатилади.

Болага локайд муносабатда бўлиш - ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи кишилар, шунингдек бошқа шахслар томонидан болаларни боқищ, тарбиялаш, соғлом турмуш кечириш шароитларини яратиш, тўла маълумот олиш ва шу кабиларни таъмиилашга доир ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликларидир.

Зўравонлик-кучсиз усууллар ёки заиф ва ҳимоясиз ҳолатдаги объектга (болаларга) психологик ҳужумлар ва таъсирларнинг салбий авж тус олиши ҳисобланади. Аммо зўравонлик ҳаракатсиз кўринишда ҳам бўлиб, боланинг жисмоний ва рухий саломатлигига таҳдид солади.

²² Fortson B, Klevens J, Merrick M, Gilbert L, Alexander S. (2016). Preventing Child Abuse and Neglect: A Technical Package for Policy, Norm, and Programmatic Activities. Atlanta, GA: National Center for Injury Prevention and Control, Centers for Disease Control and Prevention.

ХХ асрда болаларга нисбатан зўравонлик ва таҳдид муаммоларини ўрганишда янги ёндашувлар пайдо бўлди. Психологик ва ҳуқуқий таснифлар тузилди. Кейинчалик зўравонлик педиатрик, психиатрик ва юридик қисмларга бўлинди.

Зўравонликнинг асосий сабаблари куйдагилардир:

- болалик даврида бостириш шаклидаги шахсий тажриба, онанинг ваколатли тарбиялаш услуби (келажакда бу аёлларга нисбатан зўравонлик, онаси билан алоқани узишга уриниш сифатида намоён бўлади),
- ижтимоий-иқтисодий нохуш вазиятларнинг таъсири, ишсизлик, паст ижтимоий мақом,
- ўзидан ва ҳаётидан қониқмаслик,
- психопатология
- оғиш ва қарамлик,
- қўркув
- ўзини ўзи паст баҳолаганлик ва ўзини паст баҳолаганлик туфайли этишмовчилик ва кучга эришиш;
- оиласдаги исталмаган бола.

Зўравонлик (bullying) - бу зўравонлик, ҳақорат қилиш ёки таҳдид қилиш, тажовузкорона хукмронлик қилиш ёки қўрқитиш учун фойдаланиш. Бундай хулқ-атворнинг мұхим шартлардан бири бу – зўравон ёки бошқалар томонидан жисмоний ёки ижтимоий кучнинг номутаносиблигини идрок этишdir. Бу номутаносиблик зўравонликни оддий келишмовчиликлардан ажратиб туради²³.

²³ Juvonen, J.; Graham, S. (2014). "Bullying in Schools: The Power of Bullies and the Plight of Victims". Annual Review of Psychology. 65:159–85.doi:10.1146/annurev-psych-010213-115030 (<https://doi.org/10.1146/2Fannurevpsych010213115030>).

Зўравонлик тажовузкор хулқ-атворнинг қуи тоифаси бўлиб, қуидаги учта мезон билан тавсифланади:

- душманлик нияти;
- куч номутаносиблиги;
- маълум вақт оралиғида тақрорланиш.

Зўравонлик - бу бошқа шахсга жисмоний, руҳий ёки ҳиссий жиҳатдан зарар етказишга қаратилган тақрорий, тажовузкор хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Зўравонликнинг турлича шакллари бўлиб, якка тартибдаги зўравонликдан тортиб, “моббинг” деб аталадиган гурухли зўравонлик шакллари бўлади. Агар зўравонлик бир гуруҳ томонидан амалга оширилса, бу моббинг деб аталади²⁴. Бунда зўравон бир ёки бир нечта “ёрдамчи”ларга эга бўлиб, улар асосий зўравонларга ўзларининг зўравонлик фаолиятида ёрдам беришга тайёр бўлишади.

Мактабда ва иш жойида зўравонлик "тенгдошларни суистеъмол қилиш" деб ҳам аталади²⁵. Роберт В. Фуллер зўравонликни ранкизм контекстида таҳлил қилган. Швед-Норвегия тадқиқотчиси Дан Олвейснинг айтишича, зўравонлик одам "бир ёки бир нечта бошқа шахсларнинг салбий ҳаракатларига қайта-қайта ва вақт ўтиши билан дучор бўлганида содир бўлади ва салбий ҳаракатлар жисмоний қуч ишлатиш, сўз ёки бошқа йўллар билан намоён бўлади"²⁶. Индивидуал зўравонлик одатда бошқа одам устидан ҳокимиятга эга бўлиш учун ўзини маълум бир тарзда тутиши билан тавсифланади.

²⁴ Noa Davenport; Ruth Distler Schwartz; Gail Pursell Elliott (1999-07-01). Mobbing: Emotional Abuse in the American Workplace (<https://books.google.com/books?id=JlJoyD84BfAC>).

²⁵ Burger, Christoph; Strohmeier, Dagmar; Spröber, Nina; Bauman, Sheri; Rigby, Ken (2015). "How teachers respond to school bullying: An examination of self-reported intervention strategy use, moderator effects, and concurrent use of multiple strategies". *Teaching and Teacher Education*. 51:191–202. doi:10.1016/j.tate.2015.07.004 (<https://doi.org/10.1016%2Fj.tate.2015.07.004>)

²⁶ "History" (<http://www.clemson.edu/olweus/history.html>). OL WEUS Bullying Prevention Program. OL WEUS Bullying Prevention Program Archived (<https://web.archive.org/web/20131029204025/http://www.clemson.edu/olweus/history.html>) from the original on 2013-10-29. Retrieved 2013-10-28.

Зўравонлик одамлар бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлган ҳар қандай контекстда ривожланиши мумкин. Бунга мактаб, оила, иш жойи, уй ва маҳаллалар киради. Замонавий маданиятда зўравонликнинг асосий платформаси ижтиомий медиа веб-сайтлари хисобланади.

Ота-оналар ва уларга қонуний вакиллар қуидаги тадқиқотга асосланган илгор тажрибалардан фойдаланган ҳолда зўравонликнинг олдини олиш ва унга самарали жавоб беришлари мумкин:

- Эътиборни олдиндан бошлаш.²⁷ Ёш болаларда тажовузкор хатти-харакатлар жуда кенг тарқалган, аммо бу хатти-харакатларга эътибор берилмаса, улар тенгдошлари билан зўравонлик ва бошқа муаммоларга олиб келиши мумкин. Ота-оналар ёрдам бериш, баҳам қўриш ва муаммоларни ҳал қилиш каби ҳамкорликдаги хатти-харакатларни рағбатлантириш орқали бу хатти-харакатларни одатий ҳолга келтирмасдан олдин тўхтатиш учун ҳаракат қилишлари мумкин.
- Муаммоларни бирга баҳам қўриш. Ота-оналарнинг ўзаро алоқаси йўқлиги, масалан, ўз фарзандлари билан кам вақт ўтказадиган ёки уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилмайдиган ота-оналар боланинг зўравонлик қилиш эҳтимолини оширади; доимий муносабатда бўлган ота-оналар бу эҳтимолини камайтиради.
- Зўравонлик ҳақида маълумот олиш. Унинг табиати, тарқалиши, оқибатлари ва олдини олиш бўйича энг яхши амалиётлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб чиқиши. “StopBullying.gov”²⁸ инфографикаси асосий маълумотларни тушуниш ва бошқалар билан баҳам қўришда фойдали восита бўлиши мумкин.

²⁷ Noa Davenport; Ruth Distler Schwartz; Gail Pursell Elliott (1999-07-01). Mobbing: Emotional Abuse in the American Workplace (<https://books.google.com/books?id=JlJoyD84BfAC>).

²⁸ "Social Media Use May Harm Teens' Mental Health By Disrupting Positive Activities, Study Says" (<https://baltimore.cbslocal.com/2019/08/13/social-media-use-may-harm-teens-mental-health-by-disrupting-positive-activities-study-says/>). 2019-08-13.

- Зўравонлик ҳақида гаплашиш. Болалар билан зўравонлик ҳақида сұхбатлашиш уларга бу нима эканлигини, нима учун заарли эканлигини ва қандай жавоб бериш кераклигини тушунишга ёрдам беради. Зўравонликка дуч келганда нима қилишлари мумкинлигини муҳокама қилиш ва машқ қилиш муҳим жараёндир. Масалан, тўғридан-тўғри ва ишонч билан "тўхтанг" деб айтиб, бунинг оқибатлари ҳақида тушунтириш бериш мақсадга мувофиқ.

- Зўравон болаларга бошқаларга меҳрибонлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни намуна қилиш. Халқаро тадқиқотчи А.Белдрининг фикрича²⁹, болалар ўrnak орқали ўрганадилар ва ота-оналарининг муносабати ва хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. Оилавий муҳитдаги муаммолар зўравонлик эҳтимолини ошириши мумкин. Масалан, оиласдаги низоларга дучор бўлиш, ота-оналарнинг гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишлари, оиласдаги зўравонлик ва болаларни қўрқитиши уларнинг тенгдошлари билан зўравонлик қилиш эҳтимолини ошириши мумкин.

- Болалар бошқаларга қандай муносабатда бўлишлари ҳақида аниқ қоидалар ва тахминларни ишлаб чиқиш. Ушбу қоидалар жазолаш эмас, балки тегишли хулқ-атворни ўргатиш ҳамда оқибатларини кўрсатиш билан тарбияланадилар. Ота-онаси мустақилликка имкон берадиган, лекин чегараларни белгилаб берадиган ва боланинг эҳтиёжларига жавоб берадиган тарбия услубларидан фойдаланадиган болалар зўравонликка камроқ жалб қилинади. Бошқа томондан, ҳаддан ташқари рухсат берувчи ва ҳаддан ташқари қаттиқ тартиб-интизомни қўллайдиган ота-оналарнинг болалари зўравонлик қилиш эҳтимоли қўпроқ³⁰.

- Болаларни ўzlари яхши кўрадиган иш билан шуғулланишга ундаш. Maxsus машғулотлар, қизиқишлар ва севимли машғулотлар ўзига

²⁹"State Laws Related to Bullying Among Children and Youth" (https://web.archive.org/web/20110304062718/http://www.stopbullyingnow.hrsa.gov/HHS_PSA/pdfs/SBN_Tip_6.pdf) (PDF). U.S. Department of Health and Human Services - Health Resources and Services Administration -Maternal and Child Health Bureau. U.S. Department of Health and Human Services. Archived from the original (https://stopbullyingnow.hrsa.gov/HHS_PSA/pdfs/SBN_Tip_6.pdf) (PDF) on March 4, 2011.Retrieved 2013-10-28.

³⁰ <http://web.stat.uz>

бўлган ишончни ошириши, болаларга мактабдан ташқаридаги тенгдошлари билан дўстлашишга ёрдам беради ва уларни қўпол хатти-харакатлардан ҳимоя қиласди.

- Кузатиш. Болалар компьютерлар, уяли телефонлар ёки бошқа мобил қурилмалар орқали кибербуллинг билан шуғулланишлари ёки уларга дучор бўлишлари мумкин. Онлайн ва мобил телефонлар орқали мулоқот қилишнинг аниқ қоидаларини белгилаш, болаларни технологиядан тўғри фойдаланишга ўргатиш ва боланинг фаолиятини кузатиб бориш³¹ дан иборатдир.

³¹ www.cartoonnetwork.com

1.2 Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар виктимизациясини олдини олиш билан боғлик муаммолар ҳамда сабаблари.

Ўзбекистон Республикаси ёш мустақил давлат бўлиб, аҳолисининг 40 %ни 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, 64 %ни эса – 30 ёшгача бўлган ёшлар. Шу сабабли, инсон хуқуқлари ва эркинликлари соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши болалар ва ёшларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланиши учун қулай ва энг яхши шароитларни яратиш, шунингдек кўп болали оиласарни, етим болаларни ва оила муҳитидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади³².

Ота-оналар ва қонуний вакилларнинг фарзандларининг хулқ-автори ва унга таъсири, уларнинг фаровонлиги учун ғамхўрлик ва масъулият туфайли ота-оналар зўравонликнинг олдини олиш ва ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Ота-оналар зўравонлик нима эканлигини ва унинг болаларга салбий таъсирини яхши тушунишларига қарамасдан, улар одатда ўз фарзандларининг зўравонликка қурбонлар ва жиноятчилар сифатида камроқ жалб килингандигига ишонишади.

Ота-оналар ўз фарзандларининг зўравонликка алоқадорлигидан бехабар бўлишининг сабабларидан бири шундаки, болалар кўпинча ота-оналарига ўз муаммолари ҳақида гапирмайдилар. Америкалик 3-12-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган тадқиқотда уларнинг ярмидан камроғи (кизларнинг 49 фоизи ва ўғил болаларнинг 38 фоизи) ўз зўравонлик тажрибалари ҳақида ота-онасига айтиб берганликларини айтишган³³.

Ўзбекистон Республикаси Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси 2021 йил уч ой давомида олиб борилган

³² Bola huquqlari monitoringi. O‘quv-uslubiy qo‘llanma /Mas’ul muharrir A.X.Saidov. –T.: Inson huquqlari bo‘yicha O‘zbekiston Rjspublikasi Milliy markazi, 2011. -B.5

³³ Limber, S. P., Olweus, D., & Wang, W. (November, 2012). What we are learning about bullying: trends in bullying over 5 years. Paper presented at the meeting of the International Bullying Prevention Association. Kansas City, MO.

фаолияти юзасидан ҳисбот кўрсаткичлари³⁴ шуни кўрсатадики, комиссия қарори асосида якка тартибдаги профилактик иши олиб борилаётган вояга етмаганлар сони 1870, комиссия қарори асосида якка тартибдаги профилактик иши олиб борилаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар сони 1692 тани ташкил қилган. Бунинг натижасида вояга етмаганларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан МЖТКнинг 47-моддаси бўйича 2669 та ишлар кўрилган.

Жавобгарлик масалалар умумий назарий ва соҳавий даражада тадқиқ этилишининг муҳимлиги шундаки, айнан жавобгарлик муносабатларнинг ҳам ҳақли, ҳам ҳақсиз субъектлари ҳуқуқларига ва давлатнинг ҳуқуқбузарликлар билан курашиш соҳасидаги манфаатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Сақланиб қолаётган муаммолар, болаларни ҳимоя қилишидаги тенденциялар – болаларга нисбатан зўравонлик, эксплуатация, шафқатсиз муомала ва камситишлар: Ўзбекистоннинг турли соҳаларида, худди дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлганидек, содир бўлмоқда, лекин уларнинг тарқалиш даражаси номаълумлигича қолмоқда. Болаларнинг ёпик ўкув муассасаларидаги аҳволининг баҳоланиши оиласидаги зўравонликлар кенг тарқалганлигини аниқлаб берди: оғир оиласидаги муҳит ва ғамхўрлик кўрсатилмаслиги, оила аъзолари ўртасидаги ёмон муносабатлар ва моддий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги – ўзига хос “ғайриижтимоий” хулқли қизлар ўртасида оиласидаги ҳаёт тажрибасини шакллантирган омиллар ҳисобланади. Бу каби ахлоқ тузатиш муассасаларига 2017 йилда қабул килинадиган ва уйидаги ёмон муомала билан боғлиқ тажрибага эга болаларнинг улуши кўп бўлган ҳудудлар – Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Бухоро, ва Навоий вилоятлари³⁵. Бундан ташқари, 2018 йил 16

³⁴ <http://web.stat.uz>

³⁵ Саммон Е., Исаева Д., Ахаева С., Лахомова Л.Л: (2017 й.). «Ўзбекистондаги васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг функционал таҳлили». ЮНИСЕФ. Тошкент

ёшгача бўлган болаларга нисбатан жинсий эркинликка қарши 174 жиноят содир этилгани Бош Прокуратура томонидан қайд этилган бўлса³⁶, Бош Прокуратуранинг ишонч телефонига вояга етмаганлардан 136 та мурожаат келиб тушган³⁷.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар соҳасидаги сўнгги ўн йиллик статистик маълумотларини таққослайдиган бўлсак, Ўзбекистонда вояга етмаганлар қатнашган никоҳлар сони 2012 йилдаги 2,82% дан 2018 йилда 1,54% га камайган бўлсада, барибир, бу каби никоҳлар учраб туради. Бундай никоҳларнинг аксарияти вояга етмаган қиз болалар иштироқида тузилади (2018 йилдаги 4787 никоҳнинг 4786 таси)³⁸.

Ўзбекистонда, бошқа қўпгина мамлакатларда бўлганидек, одам савдоси, жинсий эксплуатация ва кўчаларда яшовчи ва ишлайдиган болалар билан боғлик холатлар қайд этилади. Халқаро манбаларга кўра, Ўзбекистон хотин-қизлар ва болалар савдоси содир бўлиш хавфи бор мамлакатлар қаторига киради³⁹. 2018 йилда 123 тергов иши ўтказилган бўлиб, одам савдоси билан боғлиқ 168 жиноят бўйича айлов қўйилган, одам савдоси ва жинсий эксплуатация билан боғлиқ жинояtlар бўйича 230 нафар шахснинг иши судга оширилган⁴⁰. Шунингдек, кўчаларда яшовчи ва ишлайдиган болалар тўғрисида ташвиш билдирилиб, уларнинг ахволини яхшилаш учун тегишли чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди.

³⁶ Mac. қаралсин: ООН (2019 й.). «Ногирон болалар ва катталар ахволининг таҳлили». Тошкент, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган “16 ёшгача болаларга нисбатан жинсий эркинликка тажовуз билан боғлик жинояtlар сони” ва “Бош Прокуратура ишонч телефонига вояга етмаганлар томонидан қилинган мурожаатлар сони” ва шу каби статистик маълумотлар.

³⁷ Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган, 2022 й. Апрель.

³⁸ Хисоб-китоблар муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг куйидаги кўрсаткичлари асосида бажарилган (2019 й.): никоҳдаги вояга етмаганлар (18 ёшгача) сони – эркаклар ва аёллар (гендер статистикаси) ва никоҳлар сони (де-мографик кўрсаткичлар). Маълумотларни куйидаги ҳавола орқали олиш мумкин: <https://www.stat.uz/en/>

³⁹ Одам савдосининг Ўзбекистонлик курбонлари (катталар ва болалар) Озарбайжон, Кипр, Грузия, Қозогистон, Қирғизи-стон, Россия, Тайландда аникланган. Манба куйидаги манзил бўйича: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/06/2019-Trafficking-in-Persons-Report.pdf> (2019йил 2 август холатига кўра)

⁴⁰ АҚШ Давлат департаменти “Одам савдоси бўйича хисобот” Манба куйидаги манзил бўйича: <https://www.state.gov/wp-content/uploads/2019/06/2019-Trafficking-in-Persons-Report.pdf> (2019йил 2 август холатига кўра).

Қонун билан низода бўлган болалар: Вояга етмаганлар орасидаги жиноятчилик Ўзбекистондаги барча жиноятларнинг кичик улушини ташкил қилади: 2013 йилда барча жиноятларнинг 2,5% ни, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 3,1% га тенг бўлган⁴¹ ва сўнгги ўн йилликда сезиларли тарзда камайган. Вояга етмаганлар билан боғлиқ жиноятларнинг кўпчилиги хукуқбузарликнинг қуидаги турларига тааллуқли: ўғрилик (52%) ва безорилик (8%), вояга етмаганлар орасидаги хукуқбузарликларнинг 60% айнан шундай таснифланади⁴².

Хукуқбузарликларнинг аксарияти, кўпчилик бошқа мамлакатларда бўлганидек, ўғил болалар томонидан содир этилади (2021 йилда содир этилган хукуқбузарликларнинг 92%) ва уларнинг аксарияти Тошкент шахри ва Тошкент вилояти каби аҳоли зич жойлашган худудларда қайд этилади. Қонунга хилоф ҳаракатларни содир этадиган болалар билан боғлиқ қонун хужжатлари ва амалиётни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида яхшилаш талаб этилади. Масалан, “ғайри-ижтимоий хулқли” ёки ижтимоий хавфли хукуқбузарликларни содир этадиган болаларни, улар жуда ёш бўлгани учун, махсус ёпиқ таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш амалиёти ҳанузгача кузатилмоқда.

Жиноят қурбони ёки гувоҳи бўлган болалар: Ўзбекистонда, бошқа мамлакатларда бўлганидек, болалар адлия тизими билан жиноят қурбонлари ёки гувоҳлари сифатида тўқнаш келади. 2018 йилда Бош прокуратура болалар иштирокидаги суд ишлари сони камайгани ҳақида маълумот берган⁴³ – 2014 йилдаги 1101 иш кўрилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 772 тагача камайган. Жиноят қурбони ёки гувоҳи бўлган болалар руҳий босим остида бўлишининг эҳтимоли юқори, сабаби, жиноий жараёнда қатнашиш стрессни келтириб чиқариши ва руҳий эзилиш ҳамда қайта виктимизацияга олиб келиши мумкин. Шунинг учун, болага нисбатан содир этилган жиноятнинг

⁴¹ <https://www.stat.uz/en/>

⁴² Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган, 2022 й. апрель.

⁴³ Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси томонидан тақдим этилган, 2022 й. апрель.

муваффақиятли тергов қилиниши аксарият ҳолларда жиной ишнинг олиб борилиши бола эҳтиёжларига нисбатан дўстона тусга эга эканига боғлик ҳисобланади. Ўзбекистондаги қонунчилик ва амалиёт фуқаролик, жиной ва маъмурӣ суд жараёнларида болалар ҳуқуқи ва манфаатларини алоҳида ҳимоя қилинишини назарда тутади .

2014 йилда Ўзбекистоннинг тўртта вилоятида ўтказилган суд ишлари материалларини ўрганиш натижасида жиноят қурбонига айланган болалар иштирокидаги 111 иш аниқланди. Аксарият ҳолларда айлов хукмлари чиқарилган: судга тақдим этилган ҳолатларнинг 88,3% да айбланувчи айбдор деб топилган. Жиноят қурбонлари бўлган болаларнинг кўпчилиги (67%) 13-16 ёшдаги қиз болалар эди⁴⁴.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2021 йил январь – декабрь ҳолатларида болаларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва шикаст етказиш ҳолатлари жами 102 та ҳолатда аниқланган, шундан юқори кўрсаткичлар 19 та ҳолатда ота-оналар томонидан, 3 ҳолатда эса таълим соҳасида тўғри келади.

Шунингдек, 2021 йил январь – декабрь ойларида ўз жонига қасд ва суиқасд қилган вояга етмаганларнинг сони жами 529 та ҳолатни ташкил қиласди, шундан вафот этганлар 371 ҳолатда кузатилган. Қасд ва суиқасд қилиш сабаблари сифатида 40 та ҳолатда оиладаги нотинчликлар, 1 та ҳолатда ўқиши ёки ишдаги зиддиятлар, 377 та ҳолатда эса руҳиятдаги бузилишлар деб келтирилган.

Болаларни ҳимоя қилиши хавфлари ва тенденцияларининг сабаблари – бевосита оиласи омиллар: Ота-оналарнинг болалар эҳтиёжларини қондириш ва болалар хулқ-атворига таъсир ўтказа олиш қобилияти болалар ҳимоясидаги замонавий тенденцияларга таъсир кўрсатувчи бевосита омил ҳисобланади. Оиланинг доимий ёки тўсатдан заифлашуви, масалан, камбағаллиги, ота ёки

⁴⁴ ЮНИСЕФ (2015 й.) «Ўзбекистондаги вояга етмаганлар нисбатан кўлланадиган адлия: йиғма ҳисобот». Тошкент.

онанинг вафоти, миграция ёки ота-онанинг ажрашиши, уй-жойнинг йўқлиги ёки йўқотилиши ва оиланинг санаб ўтилган муаммоларни ҳал қила олмаслиги болалар “ғайриижтимоий хулққа” олиб келиши, болалар савдоси ёки қаровсиз каби ҳолатларга заиф қилиб қўйиши мумкин..

Ота-оналарнинг болалар билан ижобий мулоқот қила олмаслиги, болаларнинг ўта таъсирчанлиги ва оғир хулқ-авторига қарши қандай йўл тутиш кераклигини ҳамда уларнинг ўсмирлик ёшида хулқидаги ўзгаришларни билмаслиги ҳам болаларни шафқатсиз муомала ва зўравонликка дуч келиш хавфини оширади ва оилавий муносабатларни узил-кесил йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин бўлган оилавий низоларни келтириб чиқаради . Бундан ташқари, спиртли ичимликлар ва гиёванд моддалар суистеъмоли ҳам болаларга бевосита зарар етказиш хавфининг ортишига сабаб бўлади.

Маиший ва гендер зўравонлик масаласини кенг муҳокама қилиш жамиятда қабул қилинмаган бўлсада, бу каби воқеалар Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш, ўз жонига қасд қилишни олдини олиш марказларида 2019 йилнинг биринчи ярмида 8 822 аёл ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги қайд этилган. Бу мурожаатларнинг кўпчилиги Намангандарё (24%) рўйхатга олинган, кейинги кўрсаткичлар Сурхондарё (19%) ва Қашқадарё (11%) вилоятлари, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятлари (8% дан), шунингдек Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳри (4% дан) ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Жizzах ва Навоий вилоятларида(2% дан) қайд этилган⁴⁵.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 12 ойи давомида ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида олиб борилган профилактик тадбирлар тўғрисидаги маълумотларда кетирилишича, вояга етмаганларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар 7381 тадан иборат бўлиб, рўйхат ҳисобига

⁴⁵ <https://www.stat.uz/en/>

олинган якка тартибда профилактика иши юритиладиган вояга етмаганлар 9009тани ташкил қилади.

Болалар ҳимояси тизимидағи ҳал этилиши зарур бўлган асосий масалалар: сиёсий, норматив-хуқуқий ва институционал асослар, болаларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик соҳасида ислоҳотлар яқинда амалга оширилиб, болаларни ҳимоя қилишнинг хуқуқий базаси сезиларли даражада кенгайтирилганига қарамай, мустаҳкамланиши талаб этилади. “Боланинг энг яхши манфаатлари” тушунчаси, зўравонликларнинг тури, зўравонлик қурбони ҳисобланган болаларга хизматларни тақдим этишининг хуқуқий асослари қонунчиликда қўшимча равишда белгилаб берилиши лозим. Бундан ташқари, болалар ҳимояси билан боғлиқ ҳолатларнинг мураккаблиги етарли салоҳият мавжуд бўлиши ва ижтимоий хизматлар, ички ишлар органлари, адлия тизими, соғлиқни сақлаш ва таълим каби секторлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш зарурияти билан шартланган секторлараро ёндашувни талаб этади.

Ўзбекистондаги болалар ҳимояси соҳасида фаолият кўрсатувчи турли ташкилотлар аксарият ҳолларда бир-бирларини тақрорлайдиган функцияларга эга, улар орасидаги мувофиқлик ва интеграция яхшиланиши талаб этилади, болаларни ҳимоя қилиш тизими эса алоҳида парчаларга бўлиб ташланган. Режалаштириш, мониторинг ва болаларни ҳимоя қилиш дастурларини ва эришилган натижаларни мунтазам равишда баҳолаш салоҳияти миллий миқёсда тегишли вазирликларда янада мустаҳкамланиши лозим.

Ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, уларнинг сифати ва интеграцияси – оилалар профилактикаси ва қўллаб-қувватланиши, заифликлар ва хавфларни олдиндан профессионал тарзда аниқлаш, хавфларга тўқнаш келган оилалар ва болалар бўйича ҳисоботларни шакллантириш ва уларни зарур хизматларни олишга йўналтириш чораларини қучайтириш мақсадида энг заиф оилалар ва болаларни қўллаб-қувватлаш учун ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти, уларнинг сифати ва интеграцияси яхшиланиши керак. Ўзбекистонда давлат томонидан молиялаштириладиган

ижтимоий хизматлар тизими ҳанузгача асосан интернат муассасаларида тақдим этиладиган ижтимоий хизматлардан иборат, бунда ахборот-маърифий ишлар, маслаҳат бериш, иш қидиришдаги ёрдам, болаларни тарбиялаш бўйича ота-оналар учун дастурлар ва болалар реабилитациясидаги ёрдам каби ижтимоий хизматлар кучайтирилиши талаб этилади.

Тадқиқот давомида ребилитация ва вояга етмаганлар ўқув тарбия муасссаларидаги қузатув натижалари шуни қўрсатадики, болалар устидан оиласвий васийликнинг муқобил турлари ҳозирча чекланган ва ушбу хизматларни етказиб берувчиларнинг салоҳияти тайёр мутахассисларларнинг йўқлиги билан чегараланган. Болалар ҳимоясининг самарадорлиги, шунингдек, «индивидуал ҳолатларни юритиш» (кейс менежмент) методологиясини қўллашга асосланган ижтимоий ишлар тизими орқали хавф гуруҳидаги оиласлар ва болаларга ижтимоий хизматларнинг кенг қамровли мажмуасини тақдим этиш имконияти мавжудлигига ҳам боғлиқ. Ушбу ёндашувнинг қабул қилинишидаги қийинчиликлар Ўзбекистонда ижтимоий ишлар бўйича мутахассислар тизими тайёрланмагани билан изоҳланади. Бундан ташқари, ижтимоий хизматлар тизими тўлиқ интеграциялаштирилмаган. Ижтимоий хизматларни режалаштириш ва тақдим этиш марказлашган тарзда амалга оширилади, бунда болаларга нисбатан қўрсатиладиган зўравонлик, шафқатсиз муомалада бўлиш ҳамда уларни камситиш масалалари бўйича маълумотлар етарли эмаслиги хавф остидаги оиласлар ва болаларга ижтимоий хизматларни етарли ҳажмда тақдим этишни қийинлаштиради.

Сақланиб қолаётган муаммолар: болаларни иштирок этишдаги тенденциялар: болаларнинг иштироқи узлуксиз жараён сифатида ўз моҳиятига кўра, болаларнинг иштироқи бола ҳаётининг барча босқичларида кўллаб-кувватланадиган узлуксиз жараён бўлиши керак. Бу болалар оиласвий ишларда, мактабда, соғлиқни саклашда, ижтимоий ҳаётда, жамиятда ва сиёsatда фаол иштирок этиши учун имконият яратилишини талаб этади.

Болаларга ўзларининг манфаатлариға тааллуқли қарорларни қабул қилишда иштирок этиш имкониятининг тақдим этилиши уларнинг ҳуқуqlари ва имкониятларини кенгайтиради, шахс сифатида ривожланиши ва ўзига бўлган ишончни ҳис қилишига ёрдам беради, шунингдек болалар ўз ҳаётини назорат қила олишини англашни бошлайди. Бошқа томондан, болалар иштирокининг чекланиши болаларнинг ижтимоий-эмоционал ҳолати ва осойишталилигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистонда иштирок ҳуқукини таъминлаш кўзда тутилаётгани эълон қилинган, лекин болалар иштироки ҳақиқатан ҳам аҳамиятли бўлиши керак. Ўзбекистонда ўтказилган бир нечта тадқиқот⁴⁶ болалар орасида ижтимоий-эмоционал кўникмалар ривожланишида, ўзига бўлган ишонч ва руҳий саломатлик борасида муаммолар мавжуд эканини, таълим орқали фаол фуқаролик нуқтаи назарини илгари суриш заруратини аниқлаб бериш баробарида болаларнинг иштирокига бола ҳаётининг кичик ёшида бошланиб барча босқичлари учун унинг оиласвий ва ижтимоий ҳаётига тааллуқли масалаларда фаол қатнашиш имкониятини берувчи узлуксиз жараён сифатида ёндашиш лозимлигини белгилаб берди.

Болаларнинг маъмурий ва суд жараёнларида, ва болаларга хизмат кўрсатиладиган бошқа секторлардаги иштироки: Хизматларни тақдим этадиган ва болалар билан дастлабки мулоқотга киришадиган мутахассислар болалар иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишида уларга кўмаклашиши мумкин. Ўзбекистонда иштирок этиш ҳуқуки фуқаролик ишларида ва болаларга хизмат кўрсатиладиган бошқа секторларга қараганда, жиноий ишларни кўриб чиқиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларида аниқроқ таърифланган. Болалар ўз фикрини эркин ифодалashi ва ўзларини етарлича хавфсиз мухитда ҳис қилиши учун уларга нисбатан дўстона бўлган жараёнлар,

⁴⁶ БМТ (2018 й.). «Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи». Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита. Манбадан қўйидаги манзил бўйича фой-даланиш мумкин: https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CRC%2fC%2fUZB%2f5&Lang=en(2019 й. 30 сентябрь ҳолати бўйича)

тартиботлар ва инфратузилмани ҳамда тингланиш хукуқини таъминлаш мақсадида адлия тизимидағи мұхитни яхшилаш лозим.

Шунингдек, болаларни муқобил васийлик тизимиға жойлаштиришда, масалан, интернат муассасасига жойлаштириш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан олдин, бу масала ва қарор улар билан жуда кам ҳолларда мұхокама қилинади. Бундан ташқари, маҳаллий жамоатлар миқёсида оиласвий муаммоларни ҳал қилишда воситачи сифатида құллаб-қувватланишга мұхтож оиласлар учун күпинчалик айнан маҳалла биринчи алоқа нұқтаси бўлади, аммо маҳаллада болаларни талаб қилинган тарзда тинглаб, кўрилаётган масалага жалб қилиш учун стандартлаштирилган воситалар ва тегишли даражадаги тайёргарлик мавжуд эмас.

Болаларнинг ўз ҳуқуқлари ҳақида ёмон хабардорлиги. Болалар ўупинча ўзларининг тўла ҳуқуқли шахс эканликлари ва жамият томонидан ҳимояланиш ҳамда ёрдам олиш ҳуқуқига эгаликларини билмайдилар. Улар ҳимоя учун қандай органларга мурожаат қилиш зарурлиги, қайси ижтимоий муассасалар уларга ёрдам кўрсатиши мумкинлигидан бехабар бўладилар. Шунинг учун ўқитувчилар болаларнинг ўзларини ҳимоя қилишларига ўганишлари учун улар билан зўравонлик, ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш мавзуларида сухбат учун тайёр булишлари зарур.

Қонунчилликни такомиллаштириши. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳақидаги қонунлар кўпинча ўта декларатив бўлиб, аниклаштириш ва такомиллаштиришни талаб қиласди.

Бу ўз ичига болалардаги заифликларини камайтиришга ёрдам бериши мумкин бўлган хулқ-авторни ўзгартириш учун коммуникацион стратегияларни ишлаб чиқиш мақсадида ижтимоий меъёрлар ва маданий амалиётларни ҳар томонлама таҳлил қилишни олади. Гендер ва дискриминация амалиётларини бартараф қилиш ва ўзгартиришга кўп вақт талаб қилинишини билган ҳолда, бу соҳадаги ишни оиласларда бошлаш мумкин: анъанавий уй хўжаликлари ва маҳаллий жамоатларда тарбиялаш ва

парваришиң қилиш усулларини күриб чиқишиң ва ўрганиш керак, болалар ва аёллар орасида заифликларни камайтиришга қаратылған стратегияларни ишлаб чиқишиң ва амалга оширишга, вояга етмаганлар ўртасида никох ўқитишиң каби салбий анъаналарга қарши курашни кучайтириш, гендер зўравонлик ва оиласидаги зўравонликни бартараф қилишга диний етакчиларни жалб қилиш. Шунингдек, миграция билан қамраб олинган болалар, ёшлар ўртасидаги руҳий саломатлик муаммолари бўйича кўпроқ маълумотлар йигиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Бундан ташқари, болаларга нисбатан зўравонликлар турлари ва кўринишларини, уларнинг тарқалганлигини ва болаларнинг уларга дуч келишини яхшироқ тушуниш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказилиши лозим.

II. БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАН ЖАБРЛАНУВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНИ БЎЛИШИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМ.

2.1 Жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини тартибга соладиган халқаро ҳужжатлар ва уларнинг таҳлили.

Хозирги замонда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай ривожланган демократик жамият қуришда уларнинг ролини ошириб юбормаслик лозим.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлат қурилишидаги асосий шартлардан бири бу жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтириш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Унчалик узок бўлмаган ўтмишда ҳам инсон ҳуқуқлари фақатгина ички давлат органлари доирасида тартибга солинган. Ҳар бир давлат ўз юрисдикциясида бўлган фуқаро ва шахсларнинг ҳуқук ва эркинликлари ҳажмини фақат ўзларигина ҳал қилиш ҳуқуқига эга деб ҳисоблар эдилар. Ҳаттоқи, БМТ ташкил қилинган илк кунларда ҳам давлат ички органлари бу соҳадаги асосий манбалар ҳисобланар эди.

Умуман ҳуқуқни, айниқса инсон ҳуқуқларини у ёки бу жамиятда ҳуқмронлик қилаётган мафкура, сиёsat ва ахлоқий маданиятдан ажратиб ўрганиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам давлатлар мазкур соҳада инсон ҳуқуқлари масаласини юқоридаги воситалар асосида тартибга солишган ҳамда БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартларини ўз ички ишига аралашиш деб ҳисоблаганлар.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларда шахсни зўравонликлардан, шу жумладан оиласда содир этиладиган жиноий зўравонликлардан ҳимоя қилиш механизми мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро келишув оилани жамият

асосидаги гурух деб тан олади⁴⁷ ҳамда шахсни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қиласи.

Болалар саодати ва уларнинг ҳуқуқлари доимо халқаро ҳамжамият дикқат-эътиборида бўлиб келган. Олдинги бобда кўриб чиққанимиздек, бола ҳуқуқларига оид дастлабки ҳужжатлар XX асрнинг бошларида, 1919-йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан, Саноатда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги №5 Конвенция, 1924-йилда Миллатлар Лигаси томонидан Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси қабул қилинган эди. Шу даврдан бошлаб, болалар ҳуқуқлари асосан қуллик, болалар меҳнати, болалар билан савдо қилиш ва вояга етмаганларнинг порнографиясига қарши чоралар кўриш билан чекланган бўлса, бола ҳуқуқлари бўйича халқаро норма ижодкорлик фаолиятининг ривожланиши оқибатида, бугунги кунда бола ҳуқуқлари бўйича, унинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда маҳсус ҳуқуқларини ўзида акс эттирган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг катта базаси шаклланган.

Албатта, бу ҳужжатлар бир бирини тўлдиради, шу билан бир қаторда, бирбиридан фарқ қиласи ва уларни ҳар доим ҳам бир хил қабул қилиш нотўғри бўлар эди. Шунинг учун ҳам, халқаро шартномалар ҳисобланган бу ҳужжатларнинг табиати ва уларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ўрганишда, бу шартномаларни классификациялаш орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда, халқаро шартномаларни қуидаги мезонлар асосида классификациялаш қабул қилинган:

- халқаро ҳужжатларнинг юридик кучи нуқтаи назаридан: умумий номи кўпроқ «конвенция» номи билан аталувчи императив характер касб этувчи ҳужжатлар ва умумий номи «декларация», «тавсиянома» каби номлар билан аталувчи тавсиявий характердаги ҳужжатлар (аммо, қайд этиш

⁴⁷ Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаон ҳисботи. — Т., 2009. — Б. 61.

керакки, халқаро шартномаларнинг номлари юқорида қайд этилган номлар билан чекланиб қолмайди);

- тартибга солиниши бўйича бола ҳукуқларининг айрим соҳаларига бағишлиланган махсус хужжатлар ва бола ҳукуқларининг барча соҳаларини қамраб оловчи умумий характер касб этувчи хужжатлар;
- аъзолик масаласи бўйича, барча давлатларни қамраб олишни мақсад қилган универсал халқаро шартномалар ҳамда муайян минтақа давлатларини қамраб оловчи минтақавий хужжатлар.

Қуйидаги халқаро умумэътироф эътилган нормалар айнан болаларнинг юқорида келтирилган муаммолардан ҳимоя қилишнинг норматив тизимиdir:

Инсон ҳукуқлари Умумжахон Декларацияси 1948 йил;

Таълим соҳасида камситишга қарши қураш тўғрисида Конвенция 1960 йил;

Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт 1966 йил;

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисида Халқаро пакт 1966 йил;

Пекин декларацияси ва Харакатлар Платформаси 1995 йил;

Бола ҳукуқлари тўғрисида Конвенция 1989 йил.

2019 йилда бутун дунёда Бола ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 30 йиллиги нишонланди. Конвенция инсон ҳукуқлари бўйича энг кенг кўламда ратификация қилинган халқаро битим бўлиб, у жаҳон миқёсида болаларга нисбатан қарашларни ва муносабатларни сезиларли даражада ўзgartирди.

Бола ҳукуқларига оид универсал нормаларни ўз ичига қамраб оловчи хужжатларни ҳам ўз навбатида куйидигича классификациялаш мумкин:

– БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид универсал стандартлари деб аталувчи умумий декларациялар ва конвенциялари: Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларацияси,

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал хужжатлари;

– БМТнинг ЮНЕСКО, ХМТ каби ихтисослашган ташкилотлари томонидан, меҳнат соҳаларида қабул қилинган хужжатлари;

– бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган алоҳида ижтимоий гурухлар (аёллар) ҳуқуқларини тартибга соловчи халқаро шартномалар;

– муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳукуки, фуқаролик ҳукуки, меҳнат ҳукуки) қамраб оловчи универсал хужжатлар;

– БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ювенал юстиция, вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судловни амалга ошириш масалаларига оид хужжатлар;

– бола ҳуқуқларини маҳсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар.

Бола ҳуқуқлари соҳасида минтақавий халқаро хужжатларни ҳам қўйидагича классификациялаш мумкин:

- Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган хужжатлар;
- Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган хужжатлар;
- Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган хужжатлар;

- Ислом хамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган хужжатлар.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий хужжатлар хусусида фикр юритилганды, юқоридаги манзарадан кўриш мумкини, ҳозиргача мавжуд хужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка қитъаларигагина тааллуқли, холос. Афсуски, болалар ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб ва муаммоли бўлган Осиё минтақасига оид бундай хужжат ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу эса, бу минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмнинг йўқлиги ва бу соҳада давлатлараро минтақавий ҳамкорлик жуда ҳам суст эканлиги билан характерланади. Мазкур минтақадаги аҳолиси мусулмон бўлган давлатлар учун мазкур бўшлиқни Ислом хамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган хужжатлар тўлдиради.

Юқоридаги умум-назарий фикрлардан келиб чиқсан ҳолда вояга етмаганларнинг виктимизациясини олдини олиш ва бола ҳуқуқларини каолатлайдиган ҳалқаро ҳуқуқий нормаларни таҳлил қиласиз.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасида “Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак” деб белгиланган.

1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 7-моддасида “Ҳеч ким азоб-уқубатга солинмаслиги ва унга нисбатан шафқатсиз, ноинсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланмасли-ги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас”лиги, шунингдек Пактнинг 14-моддаси 4-бандида балоғатга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, бунда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш истаги инобатга олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳукуқлар тўғрисида Халқаро пактнинг 10-моддаси З-бандида келтирилишича, барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъий назар, алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда, ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат шундай ёш чегарасини белгилаб қўйиши керакки, шу чегарадан қуи ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланиш таъкидланиши ва қонун билан жазоланиши лозим.

Бола ҳукуқлари тўғрисида Конвенциянинг 16-моддасига кўра, бирорта бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳукуқи амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиш, ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонуй тажовуз қилиш обьекти бўлиши мумкин эмаслиги, бола ана шундай аралашишлар ёки тажовуз қилишлардан қонун йўли билан ҳимояланиш ҳукуқига эгалиги белгиланган.

Конвенциянинг 18-моддасида белгиланишича, иштирокчи-давлатлар бола тарбияланиши ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамоили эътироф этилишини таъмин лаш учун бор куч-ғайратларни сафарбар этадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари улар кўрсатадиган асосий ғамхўрликнинг предмети ҳисобланади. Шунингдек мазкур модданинг 2-бандида эса боланинг энг яхши манфаатларини ҳимоя қилиниши сифатида – ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳукуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига

тегишли ёрдам кўрсатишлари ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлашлари келтирилган.

Конвнциянинг 19-моддаси болаларни зўравонлиқдан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, моддада иштирокчи давлатлар учун куйидаги мажбуриятлар келтирилган:

1. Иштирокчи-давлатлар болани жисмоний ва руҳий зўравонликнинг ҳақоратлаш ва суиистеъмолликлар, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки бепарволик билан муомалада бўлиш, қўпол муомала қилиш ёки ота-она, қонуний васийлар, ёки бола ҳақида ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан эксплуатация қилиш, жумладан, шаҳвоний суиистеъмолликлар содир этишнинг ҳар қандай шаклларидан ҳимоялаш мақсадида жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Бундай ҳимоя чоралари, зарурат туғилган тақдирда, бола ва унинг ҳақида ғам хўрлик кўрсатаётган шахсларни лозим даражада қўллаб-куватлаш мақсадидаги ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун самарали тартиб-русумларни, ҳунингдек, бола билан юқорида кўрсатилган тарзда шафқатсизларча муомала қилиш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш ҳоллари муносабати билан огоҳлантириш, аниқлаш, хабар бериш, қараб чиқиш, тергов олиб бориш, даволаш ҳамда шундан кейинги чораларни кўриш зарурати туғилган тақдирда, суд ишини қўзғатиш учун чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Конвенциянинг 32-моддаси болаларни эксплуатациядан ҳимоя қилишга оид бўлиб, моддада белгиланишича, иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиласиган, ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳукуқини эътироф этишлари, шунингдек иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга

оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чора-тадбирларни кўришлари лозимлиги белгиланган.

Конвенциянинг 33-моддасида эса, иштирокчи-давлатлар тегишли халқаро шартномаларда белгилаб қўйилганидек, болаларни гиёхвандлик ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда истеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида зарур барча чора-тадбирларни, жумладан, қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек, таълим соҳасидаги чораларни ҳамда анна шундай моддаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишда болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўришлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга болаларни ҳар қандай жинсий зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган нормалар Конвенциянинг 34-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра иштирокчи-давлатлар болани ундан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар. Ана шу мақсадларда иштирокчи-давлатлар, жумладан, қуидаги ҳолатларнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар:

- а) болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбурлаш;
- б) болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш;
- в) болалардан порнография ва порнография материаллари тайёрлаш мақсадларида фойдаланиш.

Ушбу модданинг узвий давоми сифатида 35-моддада иштирокчи-давлатлар болаларни ўғирлаш, сотиш ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш

учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама барча зарур чора-тадбирларни кўришлари шартлиги белгиланган.

Конвенциянинг 36-моддаси болалар ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумийлик аҳамиятига эга норма ҳисобланиб, унда иштирокчи-давлатлар болани унинг фаровонлигига оид ҳар қандай жиҳатдан зарар етказадиган фойдаланишнинг барча бошқа шаклларидан ҳимоя қилишлари шартлиги келтирилган.

Шунингдек БМТ ихтисослашган ташкилотлари хужжатлари: ЮНЕСКО хужжатлари сифатида 1960-йилдаги Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияни ҳам мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган халқаро ҳукуқ нормалари мустақилликка эришган илк даврдаёқ миллий қонунчиликка жорий қилина бошлади. Жумладан, бутун дунёда “Бола ҳукуqlари Конституцияси” деб ном олган БМТ томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола ҳукуқлари тўғрисидаги Конвенция мамлакатимиз парламенти томонидан 1992 йил 9 декабрда ратификация қилинган.

Бола ҳукуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси ратификация килган халқаро хужжатлар ва бу соҳадаги айrim муҳим миллий ҳукукий хужжатларни алоҳида жадвалда келтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар куйидагилардан иборат:

1. Бола ҳукуқлари тўғрисида конвенция.
2. Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияга болаларнинг қуролли можароларга жалб қилиниши тўғрисидаги Факультатив протокол.
3. Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенцияга болалар савдоси, бола фохишабозлиги ва бола порнографияси тўғрисидаги Факультатив протокол.

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари («Пекин қоидалари»)

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари («Ар-Риёд дастурий принциплари»).

6. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари»).

7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари...

Хулоса қилиб айтганда, бола хуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг классификацияси шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, бола хуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, бола хуқуқлари соҳасидаги халқаро хуқуқий база, ҳам универсал миқёсда, ҳам минтақавий миқёсда ривожланиб бораётганлигини, аммо, бу ривожланиш барча минтақаларда ҳам бир хил кетмаётганлиги тўғрисидаги манзарани кўрсатиб беради. Шу билан бирга, турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, уларнинг диний ва маданий хилма хиллиги каби омиллар давлатларнинг бу соҳадаги минтақавий интеграциясига таъсир қилувчи омиллар эканлигини тушунишга ёрдам беради.

Бола хуқуқларига оид халқаро шартномаларни классификациялаш асосида, уларга мос равища миллий қонун ҳужжатларини ва уларнинг нормаларини ўрганишни осонлаштиради. Бу эса, халқаро нормалар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришни тадқиқ қилишда ва уларни ўрганишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, Бола хуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни миллий қонуничиликка имплементация қилиш тўғрисида фикр юритилганда

авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг «Бола хукуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига ёки ХМТнинг болалар меҳнатига оид хужжатларининг имплементацияси тўғрисида фикр юритилганда Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси ва шу каби меҳнат муносабатларини тартибга солувчи миллий қонунчилик хужжатлари тушунилади.

2.2 Вояга етмаганларнинг зўравонлик қурбони бўлишининг олдини олишда халқаро ташкилотларнинг аҳамияти.

Халқаро ташкилотлар нафақат давлатларнинг ирода ва манфаатларини ифодаловчи майдон сифатида, балки мустақил факторлар (халқаро хуқуқ субъектлари) сифатида халқаро муносабатларнинг турли шаклларида иштирок этишмоқда. Бу борада В.И.Маргиеевнинг таъкидлашича, “халқаро тизимнинг таркибий қисми бўлган халқаро ташкилотлар, давлатлар билан бир қаторда, норма ижодкорлиги ҳамда у билан боғлиқ кодификация ва назорат функцияларини амалга ошира бориб, жаҳон тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадилар”. Негаки, халқаро хуқуқ норма ижодкорлигига халқаро ташкилотлар, аввало БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари резолюциялари ҳамда қарорлари катта аҳамиятга эга . Бироқ, қайд этиш керакки, халқаро ташкилотларнинг резолюцияларининг давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг хусусиятлари ва механизми хақидаги масала ҳам бугунги кунга қадар кам тадқиқ этилган.

Ўз навбатида, биз тадқиқ этаётган мавзу доирасида айрим халқаро ташкилотларнинг вояга етмаганлар хуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳар бир мамлакатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга оширишига қўмаклашиш ва унга ташкилий-хуқуқий жиҳатдан ёрдам беришда намоён бўлади.

БМТ, Бола хуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси, БМТнинг Болалар фонди, Халқаро Мехнат Ташкилоти ва бошқа шу каби халқаро ташкилотлар халқаро майдонда вояга етмаганлар хуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг ихтисослашган халқаро муассасалари Бола хуқуқлари бўйича БМТ Қўмитаси, БМТнинг Болалар фонди, Халқаро Мехнат Ташкилоти ўз фаолиятлари доирасида вояга етмаганларнинг хуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасида фаолият олиб боради.

ЮНИСЕФ ўз фаолияти доирасида мамлакатнинг ёш фуқаролари ғамхўр ва дўстона жамиятда вояга етиши, ривожланишини таъминлашга

қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширади. Унинг фаолияти асосий мезони – аъзо дунё давлатларидағи болаларнинг ҳимояланиши, уларнинг эҳтиёжлари қондирилиши ҳамда уларнинг салоҳиятини намоён этишга барча шароитлар мавжудлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиш хисобланади.

ЮНИСЕФ ўз фаолиятини БМТнинг Болалар ҳукуки тўғрисидаги конвенцияси асосида амалга ошириб, барча мамлакатларда болалар ҳукуқларини ҳимоя этиш амалиётини миллий қонунчиликка сингдиришга ҳаракат этади .

Ўзининг ҳамкорлик дастурлари доирасида ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукумати билан ҳамкорликда 1994 йилдан бери жойларда болалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг фаровонлигини таъминлаш, оиласвий аҳволини яхшилаш каби соҳаларда ёрдам бериб келмоқда.

Бугунги кунда Мунир Мамедзаде 2020 йил август ойидан бери Ўзбекистон Республикасида ЮНИСЕФ вакили сифатида фаолият олиб бормоқда.

ЮНИСЕФ ўзининг Ўзбекистондаги фаолияти доирасида она ва болаларнинг саломатлиги, улар орасидаги ўлиш даражасини камайтириш, ушбу соҳада энг юқори андозаларнинг жорий этилиши, она ва болалар озиқланиши борасидаги энг илғор тажрибаларни ҳаётга тадбиқ қилиш, ОИВ юқтирилишининг олдини олиш, гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш каби масалалар миллий қонунчиликда ўзининг аксини топиши, шу соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шунингдек, ЮНИСЕФ Ўзбекистонда ҳар бир бола ғамхўр мухитда тарбияланиши, таълим олиши ва ривожланишини таъминлашга интилади. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ЮНИСЕФ Ўзбекистон Ҳукуматини мамлакатда бошланғич таълим, мактабгача таълим тизимларини янада

такомиллаштиришда, болаларни барча турдаги зўровонликлардан ҳимоялашда, уларнинг ҳуқуқларини илгари суришда ҳамкорлик қиласди.

Қайд этиш керакки, ЮНИСЕФ болалар ҳуқуқларининг бажарилиши, ҳимоя қилинишини таъминловчи маҳсус кузатув тизимини яхшилашда ҳам Ўзбекистон Ҳукуматини қўллаб-қувватлайди, мамлакатда болаларни ҳимоялаш, уларга ғамхўрлик қилиш маданиятини янада юксалтиришга интилади.

Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган ўта муҳим масалаларни ҳал қилиш мақсадида ЮНИСЕФ кўп қиррали стратегияни олиб боради. Тегишли сиёsat ва қонунчиликни ишлаб чиқишда техникавий кўмак бериш, барча болалар учун хавфсиз муҳитни яратиш учун турли мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш, бола ҳимояси бўйича аҳоли хабардорлигини ошириш шулар жумласига киради.

Шунингдек, эксперtlар мамлакатда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зўравонлик, шафқатсиз муносабат, бепарволик ёки тасодифий шикастланишга дучор бўлган болалар ҳар доим ҳам тегишли ҳимоя хизматларини олмаслигини ва қўпинча маҳсус муассасаларга жойлаштирилмаслигини таъкидлайди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда олиб борилаётган қонунчилик ислоҳотлари бўйича идоралараро эксперtlар гурухи жиноят ва фуқаролик-процессуал кодексларига жабрланган болалар ва гувоҳ болаларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум этишни муқобил усусларни кенгайтиришни ўз ичига оладиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Мазкур фонднинг васийлик тизимидағи ислоҳотлари ҳам салмоқли бўлиб, улар қуидагиларда акс этган:

– болалар ўз оилаларида яшашлари ва уларни имкон қадар ихтисослаштирилган васийлик муассасаларига жойлаштириш;

- меҳрибонлик уйлари ва интернатларда яшаётган болалар имкон қадар ўз ота-оналари ёки қариндошларининг бағрига қайтишларига эришиш;
- фақат ўз манфаатларини кўзлаб болаларни ота-оналаридан ажратиб қўйишга йўл қўймаслик ва бошқалар.

Бундан ташқари ЮНИСЕФ мамлакатда болаларни ҳимоя қилиш бўйича шакллантирилган ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам бермоқда, бу эса ўз навбатида қонунчиликка ўзгартишлар киритиш ва турли хизматлар фаолиятини яхшилашни тақозо қиласди. Бу борадаги ишларнинг мақсади хатар ҳолатига дуч келган ёки шафқатсиз муомала ва зўравонликнинг турли шаклларига учраётган болаларни ҳар томонлама ҳимоя билан таъминлаш ҳамда бу каби ҳолатларнинг олдини олишдан иборат. Бунга болалар ва уларнинг оилалари билан иш олиб бораётган ижтимоий ва бошқа хизматлар мутахассисларининг касбий маҳоратларини ошириш, шунингдек, болалар давлат васийлик муассасаларига жойлаштирилишига йўл қўймаслик учун профилактик ишларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

биринчидан, болаларга шафқатсиз муомала қилинишини камайтириш ва олдини олиш, болаларни ҳимоя қилиш хизматлари фаолиятидан баҳраманд бўлишни яхшилаш ва ижтимоий иш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган комплекс стратегия ва ҳаракатлар режасини қабул қилиш;

иккинчидан, болаларни ҳимоялаш учун масъул бўлган шахслар, шу жумладан ижтимоий ходимлар, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларининг касбий маҳоратларини ошириш;

учинчидан, боланинг хавфсиз ва меҳрибон оила мухитида тарбияланиш хуқуқини таъминловчи сиёsat ва таомилларни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, ҳақиқий маълумотлар асосида режалаштиришни такомиллаштириш мақсадида болаларни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ахборот ҳажмини ошириш;

бешинчидан, болаларни ҳимоя қилиш секторининг самарадорлиги ва натижаларини ошириш учун турли идора ва ташкилотлар ўртасидаги мувофиқлашувни яхшилаш.

2.3 Вояга етмаганлар виктимизациясины олдини олишда хорижий механизм: Швеция мисолида.

Швецияда эрта аралашувлар ва оилани қўллаб-қувватлаш шаклидаги волонтёрлик ҳаракатлари болаларни ҳимоя қилишнинг энг яхши усули ҳисобланади. 1982 йилда Ижтимоий хизмат қонуни қабул қилинганидан сўнг Швецияда ота-оналар билан кучли ҳамкорликда ишлайдиган оиласвий хизмат йўналиши вужудга келди. Лекин Швеция тизимини аралаш тизим сифатида тавсифлаш мумкин, чунки унга кўра оилани қўллаб-қувватлашга қаратилиши билан бирга мажбурий ҳисбот тизимиға эга. Назоратга асосланган болаларни ҳимоя қилиш тизими ҳам Ёшлар тўғрисидаги қонунда белгиланган.

Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонунда болалар фаровонлигига эришиш учун хизмат қўрсатиш жиҳати ҳуқуқий жиҳатдан асосланган. Унга кўра масъул шахсларнинг маъмурий судга мажбурий ёрдам қўрсатишни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқлари фуқароларнинг тизимдаги асосий назорат жиҳати ҳақида хабардор қиласи, бундан келиб чиқадики болаларнинг ҳимоя қилишдаги кўнгилли ҳаракатлар назорат ёки мажбурлаш сифатида қабул қилинади. Кўнгилли оилани қўллаб-қувватлаш чоралари, шунинг учун ҳам қонуний жиҳатдан назорат элементларини ўз ичига олиши мумкин.

Швеция тизимидағи бу икки томонлама истиқбол болаларни ҳимоя қилиш ва оилани қўллаб-қувватлаш ўртасидаги фарқни аниқлашни имкони йўқлиги сабабли бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек шафқатсиз муносабатда бўлинган болаларни ихтисослашган ижтимоий уйларда ёки кўнгилли ота-она қарамоғида топширилиши мумкин.

Швеция ҳуқуқий тизими ва одатда болага мажбурий парвариш зарур бўлган ҳолдагина кўнгилли ишчилар ёки оилаларни жалб қилиш масаласини кўриб чиқади. Швеция ҳуқуқ тизими учун болаларни ҳимоя қилиш кучли муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиқади, чунки боланинг олдинги

қарамоғидагилар (одатда унинг ота-оналар) боланинг келажакдаги ривожланиши учун муҳим деб ҳисобланади.

Болалар уйдан узоқда жойлашганда, муассаса ёки меҳрибонлик уйи, иложи бўлса, уларнинг биологик оиласи билан алоқани сақлаб қолиш ва осонлаштириш учун иложи борича ота-оналари яқинида бўлиши керак⁴⁸. Ижтимоий хизматлар 1999 йилдан бери қонунга мувофиқ кўнгилли оила сифатидаги қариндошларнинг ҳомийликка лойиқлигини кўриб чиқади. Амалиётда бу ҳолат исботланмаган бўлса ҳам масъул давлат ходимлари боланинг қариндошларини ғамхўрлик қилишда муқобил танлов сифатида кўришади.

Аммо Швеция қонунчилигига қўллаб-қувватлаш ёки ҳимоя қилишга муҳтоҷ болалар тўғрисида умумий атама мавжуд эмас, чунки "аралашувга олиб келиши мумкин бўлган" маълумотлар, жумладан ҳисботлар ва аризалар келиб тушганидан ижтимоий хизматлар ҳар бир маълумотларни текширишга мажбурдир. Ушбу ноаниқ таъриф болалар учун текширувларни бошланганда масъул гурухни ва шахсларнинг масулиятни кенгайтиради. Чунки Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонун умумий хизматга эга, бунда масъул гуруҳ нафақат шафқатсиз муносабатда бўлган ёки қаровсиз қолган болалар, балки катталар ижтимоий қўллаб-қувватлаш ёки ижтимоий нафақага муҳтоҷ оилалар ва шахслар, ғайриижтимоий хатти- ҳаракатларни содир этган 21 ёшгача бўлган ёшлар уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга мажбурдирлар.

Швецияда болаларни ҳимоя қилиш йўналиши эмас, балки оилавий хизмат йўналиши мавжуд бўлганлиги сабабли, швед болалар фаровонлигини муҳокама қилишда "оилавий қўллаб-қувватлаш тизими" атамаси асосий қўлланилади. Болалар фаровонлиги баъзи мамлакатларда болаларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ атамадир деб таъкидланган бўлсада, Швеция шароитларига кўпроқ "Бола ва оила фаровонлиги" атамаси мос келади.

⁴⁸ prop.1979/80: 1 Del A, SOU 2009:68 453-454.

Болаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари асосан 2001:453 - сонли Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонун ва Ёшларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги қонун (1990:52) билан тартибга солинади. Болалар ва ота-оналар кодекси, 1949:391 ҳам ота-оналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун оилаларга, болаларга ва ёлғиз катталарга баҳолаш ишлари ва ихтиёрий ёрдам бўйича тавсиялар (ижтимоий нафақа, шунингдек даволаш ёрдами), каби нормаларни ўз ичига олади.

“Ёшларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида”ги қонун ҳуқуклари суиистеъмол қилинган ёки қаровсиз қолган болаларга (ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар), шунингдек ёш болаларга мажбурий парвариш қилиш ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларни ихтиёрий қўллаб-қувватлаш имкони бўлмаган ёки этарли бўлмаган ҳолларда мажбурий парвариш чораларини тартибга солишдан иборат.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қонун асосий қонун бўлиб, у процессуал нормаларни эмас балки ваколат ва қоидаларни тартибга солади. Бу қонунда турли хил ижтимоий муаммоларга жавобан кўрилиши керак бўлган чора-тадбирлар айтиб ўтилган ва у ижтимоий ишчилар қандай ҳаракат қилишлари ва нима қилишлари ҳақида кўрсатма беради.

Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонун ўрнига ваколатли органларнинг қабул қилган қарорлари оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича асосий процессуал кўрсатма ҳисобланади. Қонуннинг 11:2 бандига мувофиқ ҳимояга ёки қўллаб-қувватлашга муҳтоҷ болаларни текшириш тўрт ой билан чекланган ва ижтимоий хизматлар учун оиланинг розилигисиз бошқа ҳокимият ва шахслардан маълумотни талаб қилиш ҳам мумкин. Масъул шахс ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларини қандай қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш кераклигини аниқлаши керак.

Швеция 1990 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар хукуклари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган. БМТ конвенцияси Швеция хукукий тизимига тизимли равища мослаштирилмоқда, шунинг учун ҳам Швеция қонунчилигидаги ва Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонундаги ўзгаришлар шунга мос равища давом этаётган жараёндир⁴⁹.

Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонуннинг 11:10-банди, “Ёшларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1 ва 36-бандларига кўра 15 ёшга тўлган болалар ижтимоий хизматларга оид ишлар бўйича судга мурожаат қилиш, қонунга мувофиқ ўз номидан гапириш ва ёрдам сўраш хукуқига эга. 15 ёшдан катта болалар ота-оналарининг розилигисиз ижтимоий хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилиш хукуқига эгадирлар. Шунингдек 15 ёшгача бўлган болалар тергов давомида, агар уларнинг ота-оналарининг иштироки ушу сўроқ давомида тақиқланган бўлса ҳам эшитилиш ва ўз фикрини баён қилиш хукуқига эгадирлар. 2010 йилдаги ўзгартиришларга мувофиқ ижтимоий хизмат вакиллари ҳам тергов ҳаракатларида қатнашишлари ва бола билан бевосита сухбатлашиш хукуқларига эгадир⁵⁰.

Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонун мажбурий ҳисоботни тартибга солиш қоидаларини ўз ичига олади, яъни бола (18 ёшгача) ҳимояга муҳтоҷ, бу ёмон муносабат ёки антисоциал хулқ-атвори туфайлими Давлат органлари ва ижтимоий хизмат кўрсатиш органлари ҳар қандай шубҳа тугилганда ижтимоий хизматларга хабар бериши керак (ИХТҚ 14:1).

Болалар билан боғлиқ идораларда ишлайдиган барча ходимлар масалан, мактаблар ва болалар боғчалари, тиббий хизмат ходимлари, психиатрия, ижтимоий хизматлар ва ахлоқ тузатиш тизими, суд-тиббиёт экспертизаси ходимлари ҳам ҳисобот беришга мажбурдирлар. Ижтимоий хизмат тўғрисидаги қонун жамоатчиликни ҳам ҳимояга муҳтоҷ бўлган болаларнинг шубҳалари ҳақида хабар беришга ундейди, аммо

⁴⁹ SOU 1997: 116, prop. 1997/98:182, prop. 2006/07:129, prop. 2009/10:192, prop. 2009/10:232

⁵⁰ SoL 11:10, prop. 2009/10:192.

жамоатчиликнинг унинг учун жавобгарлиги қонуний жиҳатдан белгиланмаган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлиги ҳақида хабар бериш учун юридик жавобгарликка эга бўлган мутахассислар ҳар доим ҳам хабар бермайдилар. Стокголмнинг учта чеккасида 341 та болаларни парвариш қилиш муассасаларини ўрганиш давомида муассасалар болаларга ёмон муносабатда бўлиш гумон қилинган ҳолатларнинг атиги 37 фоизини хабар қилишган ва бу мажбурий ҳисбот кўпинча кечиктирилган.

Тадқиқотларга кўра, энг кўп Швецияда хабар қилиниши керак бўлган кенг тарқалган муаммо - бу оиласар ичидаги можаролар ва ёшларнинг ҳукуқбузарликлари ва аксарият хабарлар полиция ва мактабдан келади⁵¹. Бироқ, тадқиқотчилар миллий реестрни полиция болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлганлигини кўплаб жиноятлар ҳақидаги хабарларни кўрсатмаслигини тъкидлайди.

Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, кўплаб ҳисботлар Швецияда қўшимча терговга олиб келмайди. Маҳаллий тадқиқотлар ҳисботларнинг тахминан учдан бир қисми терговсиз сараланганигини кўрсатади.

Швециядаги бола ҳукуқларини қўлланишида мисол сифатида кейс:
Лундда маҳаллий аҳоли ота-онанинг(Спектрлар оиласи) кўчада ўз фарзандини шафқатсизларча калтаклаганига гувоҳ бўлишди. Онаси болани қўлидан ушлаб олди, ўша пайтда у йиглаётган эди. Сара ота-онасининг рухсатисиз ҳовлида ўйнагани учун кўчага чиққани онанинг қичқириғидан кўриниб турибди. Кейинроқ отаси уларнинг олдига келиб, нима бўлаётганини билиб, ҳеч иккиланмай болани уриб юборади. Кейин қўшнилар аралашишга қарор қилишди, лекин онаси уларга: "Ҳалақит қилманг, бу менинг болам", деб бақирди. "Бу бола (Сара) 7 ёшли ўқувчи, ўйноқи, ижобий характерга эга, лекин

⁵¹ Cocozza, 2007; Wiklund, 2006; Sundell va boshq., 2004; Vinnerljung va boshq., 2001; Sundell & Karlsson 1999; Östberg, 2010.

кўзларида кўркув бор", дейди унинг мактаб ўқитувчиси. Қўшниларнинг таъкидлашича, улар биринчи марта қичқиришлари, уришишлари эмас. Ҳар куни кечқурун ота-оналар бақириб, уни уришади. Қўшниларнинг айтишича, ота-она 5 йилдан бери руҳий касалликдан азият чекади. Ота-оналар ҳар йили даволанишга муҳтоҷ бўлганларида вақти-вақти билан Психиатрияда даволанадилар. Қўшнилар унинг танасидаги белгиларга кўп маротаба гувоҳ бўлган. У ота-онасининг қоидаларига бўйсунмаса, улар уни бир неча кун давомида хонада очлик билан қийнашади.

Болалар фаровонлиги Швеция жамияти учун энг муҳим устуворликлардан биридир. Швеция болаларни жисмоний жазолашни тўлиқ тақиқлаган дунёдаги биринчи давлат бўлди ва 1979 йилда БМТнинг Бола ҳукуқлари тўғрисидаги конвенциясини миллий қонун сифатида қабул қилган биринчи давлат бўлди. 1993-йилда ҳукумат биринчи болалар Омбудсманини тайинлади⁵². Ҳозирги вақтда болаларни ҳимоя қилиш масаласи Ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади, унда болалар ҳукуқларини ҳимоя қилиш шаҳар ижтимоий хизмати томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, Швецияда муаммо ва қийинчиликларга дуч келган болаларни қўллаб-куватлашга ихтисослашган ишонч телефони сифатида жамиятда болалар ҳукуқлари (Брис) мавжуд. Эътиборлиси, оила сиёсатида давлатнинг роли ортиб бориши билан боланинг фаровонлиги ва баркамол, ҳар томонлама, хавфсиз ривожланишига асосий эътибор қаратилди. Бироқ, болаларни ҳимоя қилишни тартибга солишнинг аниқ ҳукуқий базаси ҳали ишлаб чиқилмаган.

Ишининг ечими: Ота-оналар томонидан Саранинг жисмоний зўравонлигини йўқ қилиш учун ижтимоий хизмат аралашуви муҳим аҳамиятга эга. Чунки Сара (Хавф остидаги бола) сифатида кўриб чиқилиши керак. Болаларни ҳимоя қилиш тартиби ижтимоий хизматларга ҳисобот бериш

⁵² Gilbert, Neil (2012). A comparative study of child welfare systems: Abstract orientations and concrete results. Children and Youth Services Review, 34(3): 532-536, 5 s.

босқичидан бошланади. Ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун маълумотларига кўра, баъзи органлар боланинг ҳар қандай хавфи ҳақида ижтимоий хизматларга хабар беришлари керак. Ўқитувчи болалар билан ишлайдиган ҳокимият сифатида Саранинг психологик ҳолати тўғрисида ижтимоий хизматларга хабар беришга мажбурдир. Ижтимоий хизматлар ота-оналарнинг рухсатисиз болани мактабдан олиб кетишади, кейин улар ота-оналарни чакирадилар. Ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун туфайли ижтимоий хизмат хавф остидаги бола тўғрисида ҳисобот олган тақдирда дастлабки ишни бошлиши керак. Расмий баҳолашни бошлиш жараёни ҳисобот олинганидан кейин ўн тўрт кунгача давом этади. Кейинги қадам, Спектерлар билан музокаралар олиб бориш учун ота-оналар, бола билан учрашув ташкил қилишдир. Болалар фаровонлиги хизматлари хулқ-атвори билан боғлиқ муаммоларга дучор бўлган, лекин айни пайтда зўравонлик ва бепарволик курбони бўлган оиласалар билан ишлайди (Барз ва бошқ., 2011) ва Ҳорт (2011) таъкидлашича, ижтимоий хизматлар асосан болаларни ҳимоя қилиш ва болаларни зўравонлик ва қаровсизлик билан курашиш учун оиласий хизматга йўналтирилган⁵³. Бу ишни бутун оила, шу жумладан ота-оналар Спектерлар билан ҳал қилиш керак. Фреймонд ва Амерон (2006) томонидан исботланганки, Швецияда оиласага йўналтирилган болалар фаровонлиги тизими мавжуд бўлиб, бу ерда ота-оналар ижтимоий хизматлардан оладиган ёрдами жуда муҳимдир⁵⁴.

Текширув ҳақида гап кетганда, ижтимоий хизмат текшируви BBIC⁵⁵ тизимиға асосланади. Ижтимоий хизмат терговчилари Спектрлар оиласининг муаммоларини аниқлаш учун ота-оналар, қўшнилар ва мактаб ўқитувчиси билан сұхбат ўтказишлари, Саранинг ижтимоий муаммолари, ота-оналарнинг имкониятлари, бутун оила ва атроф-муҳит ҳақида маълумот тўплашлари

⁵³ Johansson, Susanna, Stefansen, Kari, Bakkeiteig, Elisiv & Kaldal, Anna (2017) . Collaborating against child abuse. Exploring the Nordic Barnahus model. London: Palgrave Macmillan/ Springer. Kapitel 1, 12 och 16, ca 90 s. Även tillgänglig open access: <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-319-58388-4>

⁵⁴ Överlien, Carolina (2017). 'Do you want to do some arm wrestling?': children's strategies when experiencing domestic violence and the meaning of age. Child & Family Social Work, 22(2): 680-688, 9

⁵⁵ <https://www.tandfonline.com>

керак. Ота-оналарнинг руҳий бузилиши Сарани уйдан ташқариға жойлаштириш учун сабаб бўлиши мумкин. Чунки болаларнинг уйдан ташқарида жойлаштирилишининг асосий сабаби ота-оналарнинг жисмоний ва жинсий зўравонликка нисбатан ёмон муносабатидир⁵⁶. Шуни таъкидлаш керакки, Саранинг жойлашуви ижтимоий хизматлар учун охирги кирувчи ўлчовдир. Аксарият ҳолларда ижтимоий хизмат Саранинг ўрнини босмасликка ҳаракат қиласи, бу оила бирлигини сақлаб қолади, аммо Спектрларнинг ақлий заифлиги Саранинг фаровонлигига тўсқинлик қиласи. Шу сабабли, Сара 18 ёшгача бўлган жойдан ташқарида қолиши керак. Уйдан ташқарида жойлаштириш вақтинчалик аралашув бўлиб, болаларни биологик оилалари билан бирлаштиришга ёрдам беради.

Қонунга кўра, бола хоҳлаган вактда ота-онаси билан учрашиш ҳуқуқига эга, аммо ота-оналар бундай ҳуқуққа эга эмаслар. Болаларнинг биологик оиласи билан алоқада бўлишлари жуда муҳим. Спектрлар учун энг яхши йўл - Лунддаги Фавворалар уйига(ФХ) аъзо бўлиш, у руҳий касаллиги бўлган одамларни ёлғизлик ҳис қилишига йўл қўймасдан реабилитация қиласи. Агар ижтимоий хизматлар ота-онаси Сарани тарбиялашга қодир эмаслигини аниқласа, у ҳомийликка ўtkазилиши мумкин. Ҳомийликдан олдин КИВВ⁵⁷ тизимидағи даволаш қўлланилади.

Швецияда Барнахус болалар зўравонликда гумон қилинадиган хавфсиз муҳитни таклиф қиласи. Барнахус социономларида, болалар ва ўсмирлар психиатрияси ходимлари, полиция ва прокурорлар керак бўлганда ишлайди, улар қўшимча ваколатларни чақирадилар. Барнахус билан алоқа ҳар бир муниципалитетдаги ижтимоий хизматлар орқали амалга оширилади. Зўравонликка учраган 18 ёшгача бўлган болалар, жиноятчи билан муносабатларидан қатъи назар, Болалар уйига келишади. Барнахус оилавий даволанишни таклиф қилиши мумкин. Ижтимоий хизматлар ёки полицияга,

⁵⁶ Pernilla Leviner (2014) Child protection under Swedish law—legal duality and uncertainty, European Journal of Social Work, 17:2, 206-220.

⁵⁷ <https://www.researchgate.net>

мехрибонлик уйи жамоасига, ижтимоий хизматларга, болалар ва ўсмирлар психиатриясига (БУП) хабар келганда, полиция, прокурорлар ва педиатрлар Барнахусда ишни қандай давом эттириш кераклигини режалаштириш учун йиғилишади. Агар керак бўлса, суд-тиббиёт шифокорлари ҳам жалб қилинади. Турли касбий роллар ўртасидаги ҳамкорлик жамоавий билим ва малакани таъминлайди. Сара 7 ёшда, у Барнахусга келиши мумкин. У келганида уни ходимлардан бири ёки полициячи қабул қиласи. Кейин милиция ходими билан гаплашишади, бу сўроқ дейилади.

Швеция ижтимоий ишининг қиёсий таҳлили: Ижтимоий хизматларнинг дифференциал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, бу муниципал даражадаги жамоат ташкилотидир. Ижтимоий хизматлар бўлими Ижтимоий хизматлар қўмитаси қошида ишлайди. Унинг фаолияти учта йўналишга асосланади: болалар, ёшлар, оилани қўллаб-қувватлаш; катталарни қўллаб-қувватлаш; ижтимоий психиатрия. Яна бир ажралиб турадиган жихат шундаки, ижтимоий хизматлар мунитсипалитет томонидан молиялаштирилади. ФХ хусусий, ННТ аъзолигига асосланган, муниципал молиялаштирилади, чунки у ижтимоий хизматлардан фойдаланади. ФХ ҳаракати психиатрия билан алоқада бўлган одамларга қаратилган клуб уйлари деб аталаидиган диндан ва сиёсатдан мустақил фаолият ҳаракатидир⁵⁸. ФХ нотижорат уюшмаси шаклида аъзолар, назоратчилар ва кенгаш томонидан биргаликда бошқарилади. ФХ аъзоларнинг ўз қадр-қимматини қайта тиклашга ёрдам берадиган психо-ижтимоий иш ва ўрганишга йўналтирилган реабилитацияни олиб боради. ФХга аъзолик бепул ва ихтиёрийдир. ФХ Психиатрия билан ҳамкорликда ишлайди. Бу аъзоларга ишга киришда ёрдам беради. Бу руҳий касаллар учун энг хавфсиз яхлитлиқдир.

Ҳар иккала ташкилотнинг мақсади фуқароларга турли йўллар билан ёрдам беришdir. Уларнинг асосий устувор йўналишлари фуқароларнинг

⁵⁸ Heimer, Näsman & Palme (2018) Vulnerable children's rights to participation, protection, andprovision: The process of defining the problem in Swedish child and family welfare. Child & Family Social Work. 23:316–323

ижтимоий фаровонлигини таъминлаш, жамиятдаги муаммоларни камайтириш, турмуш фаровонлигини рағбатлантиришдир. Шунингдек, уларнинг иккаласи ҳам оила фаровонлигини ҳимоя қилишда улушга эга.

Ижтимоий ишчилар ижтимоий ишчи-мижоз муносабатларида фойдаланадиган бир нечта куч манбаларига эга. Ҳокимиятнинг биринчи тури - бу маҳсус билимга эга бўлган тажриба. Иккинчи тур - ишонтириш кучи, бу ижтимоий ишчиларга мижозларга ишонч, ҳамдардликни ривожлантириш имконини беради. Учинчидан, обрўли ва маданий меъёрларда устунлик қиласидиган қонуний куч⁵⁹. Ижтимоий ишчилар ресурсларни сафарбар қилиш, муқобил эҷимларни топиш, ижтимоий иш траекториясини ташкил қилишда этакчилик қилишлари керак. Ижтимоий ишчилар мижозларнинг ҳаётини йўқотиши керак, бу эса мижозларга ўзлари хоҳлаган нарсани эркин ҳис қилишларига имкон беради. Бу шуни англатадики, ижтимоий ишчи ва мижозлар иши умумий куч муносабатларига асосланган бўлиши керак. Баъзида ижтимоий ишчилар мижозларга кўпроқ маълумот беради, шахсий кўникмаларни оширади, бу тахмин қилинган натижаларни таъминлайди ва мижозларнинг қувватга боғлиқлигини камайтиради.

Швеция фаровонлигини ўзбек модели билан солиштириш: Швеция моделининг кучли томони шундаки, ижтимоий хизмат оила бирлашувига зарар бермасликка ҳаракат қиласиди. Ижтимоий ҳимоя нафақат боланинг манфаатларига қаратилган, балки ота-оналарнинг нуқтаи назари ҳам ҳисобга олинади. Ушбу амалиёт ота-она ва бола муносабатларини сақлаб қолишга ёрдам беради. Швецияда болаларни ҳимоя қилиш кучли муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиқади, чунки ота-оналар боланинг келажакдаги ривожланиши учун муҳим деб ҳисобланадилар. "Бола ва оила фаровонлиги" атамаси Швеция шароитларига кўпроқ мос келади⁶⁰. Масалан, ижтимоий

⁵⁹ Kalin, Persdotter, Ahlgren & Gerdner (2022) How do child welfare referrals in Sweden match children's self-reporting of severe exposure? Child & Family Social Work.27:100–111.

⁶⁰ IDIT WEISS-GAL and JOHN GAL (2014). Social Workers as Policy Actors. Journal of Social Policy, 43, pp 19-36 doi:10.1017/S0047279413000603.

хизматнинг оилавий йўналиши болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ муаммоларнинг илдизларини аниқлаш учун яхши. Ўзбекистонда болани уйдан ташқарига жойлаштириш ота-оналарни фарзанди билан алоқада бўлишдан маҳрум қиласди, бироқ болалар Швециядаги каби биологик ота-онаси билан боғланиш ҳуқуқига эга. Кейинги қуч шундаки, швед модели ота-оналарга болаларга нисбатан хатти-ҳаракатларини ўзгартириш учун кўпроқ имконият беради. Болалар ота-оналар томонидан шафқатсиз муносабатда бўлган тақдирда ҳам, ота-оналарнинг реабилитацияси учун вақт чегараси йўқ ва ота-она ҳуқуқларини бекор қилиш жуда одатий ҳолдир. Ушбу амалиёт ота-оналарга кўпроқ имконият бериб, оила бирлигини саклаш учун яхши. Бу амалиётнинг ўзбек моделига ўхшаш томонлари бор. Ҳокимият болани уйдан ташқарига жойлаштиришга шошилмаяпти. Бола-ота-она муносабатларини сақлаб қолиш учун психолог ота-оналар билан ишлайди. Аммо агар ота-оналар янада оғир оқибатларга олиб келадиган ҳақиқий хавф деб ҳисобланса, ота-она ҳуқуқларини бекор қилишнинг якуний усули ҳисобланади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус қонунчиликнинг йўқлиги Швеция фаровонлигининг заиф томонларидан биридир. Мисол учун, ижтимоий хизматлар Ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун асосида ишлайди ва бу ҳаракат мутлақо бенуқсон эмас. Баъзи атамаларнинг ўз таърифи ва мезонлари йўқ, бу ижтимоий ишчининг ўз субъектив фикрига қараб болалар муаммоларини ҳал қилишга олиб келади. Масалан, "кўринадиган хавф" атамаси аниқ мезонларга эга эмас. ижтимоий ишчиларнинг болаларга тегишли мажбурий парваришлаш ҳолатларида "кўринадиган хавф" ни башорат қилиш ва баҳолаш қобилияти ва қонуний мажбурияти ҳам муҳокама қилинган. Бу шуни англатадики, "кўринадиган хавф" ижтимоий ишчилар томонидан уларнинг башоратлари ва тахминлари асосида турлича белгиланиши мумкин⁶¹. Бундай тенденция тергов жараёнининг холислигини таъминламайди. Бундан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда Оила кодекси мавжуд

⁶¹ Payne, Malcolm (2014). Modern Social Work Theory 4th NY: Palgrave and McMillan, 441p

бўлиб, унда болалар учун "кўриниб турган хавф" белгиланган. Масалан, ота-оналар алимент тўлаш, фарзандларини суиистеъмол қилиш, ота-оналар гиёҳвандлик, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, болаларнинг соғлиғи, ҳаётига қарши қасддан жиноят содир этиш каби мажбуриятларини бажармаса. Бундан ташқари, Швецияда болалар 15 ёшга тўлгунга қадар судга мурожаат қилиш хукуқига эга эмаслар, 15 ёшгача бўлган болалар ихтиёрий равишда уйда парвариш қилишда ота-оналарнинг овози ва иродаси билан ифодаланади (Маттссон, 2006)⁶². Бу шуни англатадики, суд 15 ёшгача бўлган болаларнинг розилиги ҳақида қайғурмайди, ихтиёрий ҳомийлик остида ота-оналарнинг фикри биринчи ўринда туради. Баҳолаш жараёнида ота-оналарнинг давлат ғамхўрлигига "розилик" га эришишга эътибор қаратилиши боланинг нуқтаи назарини, шунингдек, барча ота-оналар реабилитация қилиниши мумкинлиги ҳақидаги фикрни камайтириши мумкин. Ўзбекистонда қонун ҳужжатларига мувофик, бола оиласдаги ўз манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай масалани ҳал қилишда ўз фикрини билдириш, шунингдек, суд ёки маъмурий иш юритиш жараёнида ўз фикрини эшитиш хукуқига эга. Шу билан бирга, қарор қабул қилишга ваколатли мансабдор шахслар боланинг манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилишда унинг ёшидан қатъи назар, унинг фикрини ҳисобга олишлари ва боланинг энг яхши манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда қарорлар қабул қилишлари шарт. Швеция моделининг навбатдаги заиф томони шундаки, ижтимоий ҳимоя мунитсипалитет даражасига асосланади, у давлатга асосланган эмас, бу эса фуқаролар тенгизлигига олиб келади. Масалан, Лундинг ижтимоий хизматларида қарор худди шу масала бўйича бошқа мунитсипалитетдан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи мунитсипалитетларда ижтимоий хизматлар учун молиявий ресурслар чекланган бўлиши мумкин, бошқа бир мунитсипалитет эса ижтимоий ҳимоя учун этарли бюджет билан таъминлаши мумкин.

⁶² Ponnert, Lina (2012) Child protection in Sweden by Lina Ponnert 30,pp

Швеция фаровонлигининг учта жиҳати Ўзбекистонда амалга оширилиши керак. Ижтимоий хизматлар мижозлар учун мавжуд. Швецияда мижозлар ижтимоий ёрдам олиш учун ортиқча ҳаракат қилишлари шарт эмас, бу ҳар бир Швеция фуқароси учун мавжуд. Ҳатто баъзи ҳолларда ижтимоий ишчилар мижозларга ижтимоий ёрдам қўрсатиш учун қўлларидан келганича ҳаракат қилишади, бунда мижоз бу ҳақда ташвишланмайди. Муаммоларни ҳал қилиш нуқтаи назарлари ижтимоий ишни одамлар эҳтиёжларини қондириш ва уларга тақдим этилаётган хизматларни яхшилашга қаратилган жамиятлардаги шахслар учун фаровонлик хизматларининг бир жиҳати сифатида кўради. Иккинчидан, ижтимоий ходимлар ишни ҳал қилишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаш учун баъзи мутахассислар билан ҳамкорликда ишлайди. Масалан, хавф остидаги болалар ҳолатларида шифокорлар, ижтимоий ишчилар, психологлар, терговчилар, полиция ҳатто жамият ҳам биргаликда ишлайди. Учинчидан, швед фаровонлиги модели нафақат молиявий ёрдам, балки маънавий ёрдам ҳам муҳим ёрдам сифатида қабул қилинади. Мисол учун, баъзи ННТларнинг мақсади одамларга ёлғизликни ҳис қилишларига йўл қўймаслиkdir, ФХ менинг фикримни ифодалashi мумкин. ФХда кучга боғлиқликни кўриш мумкин эмас, чунки қарор қабул қилишда ҳар бир аъзо tengdir. Ҳар бир аъзонинг ўз овози бор, у ерда аъзо-ишчи бўлими мавжуд эмас.

ІІІ. БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВИКТИМИЗАЦИЯСИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ХУҚУҚИЙ ЕЧИМЛАР.

3.1 Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш билин боғлиқ миллий қонунчилик таҳлили.

Миллий қонунчилигимизда ҳам инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устуворлик касб этади.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларнинг қонунларнинг қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мустаҳкам хуқуқий асоси вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга оид қонун хужжатларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида сўз юритишдан олдин вояга етмаганларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун хужжатлари мазмунига халқимизга хос болажонлик, ўз фарзандига ғамхўрлик хислатлари сингдирилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг хуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, шунингдек 64-моддада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва

тарбиялашга мажбур эканликлари тўғрисидаги конституциявий норма мустаҳкамланган .

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: “Хеч кимнинг қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийикка дучор этилиши мумкин эмас“, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг⁶³ 79-моддасида эса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида зўравонликнинг турлари учун жавобгарлик белгиловчи нормалар мавжуд : ҳақорат (41-модда), болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (47-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (47⁴-модда), ваъсийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш (48-модда), енгил тан жароҳати етказиш (52-модда).

Таълимдан кўзланган мақсадга эришишда қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида давлат маъмурий мажбурлов чорасини қўллаш билан таҳдид қиласди. Яъни, унда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаганлик, бунинг оқибатида вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиши, шунингдек, болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси// <https://lex.uz/docs/104720#158601>

олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаш билан мустаҳкамлаган .

Алоҳида қайд этиш керакки, юқорида келтирилганлардан ташқари вояга етмаганларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қиласлик (47¹-модда), ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун хужжатлари талабларини бузганлик (47²-модда), никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик (47³-модда), вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик (47⁴-модда), васийликка олинганинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдирганлик (48-модда) учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Уларнинг аксарияти бир йил ичida такроран содир этилганда жиноий жавобгарлик келтириб чиқарувчи хуқуқбузарликлар бўлиб, қонун чиқарувчи мазкур восита билан вояга етмаганларнинг хуқуқ ва манфаатларига хилоф хуқуқбузарликларга қарши курашади.

Бола хукуqlарига оид Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бир қатор хукукий кафолат ва чекловлар белгилаб берилган, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг Бола хукуqlарининг кафолати тўғрисидаги⁶⁴ Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007-йил 23-ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007-йил 1-декабрда маъқулланган. Унда қатор хукуқ ва мажбуриятлара ҳакида моддалар мавжуд

Зўравонликнинг зарари абадий муҳокама қилиниши мумкин, баъзида эса психологик жисмоний жиҳатдан анча даҳшатли бўлади - бу болада жиддий рухий жароҳатларга олиб келади, бенуқсонликка таъсир қиласди, шахслараро муносабатлар моделини бузади. Оиладаги боланинг бошқа хукуqlарини

⁶⁴ 07.01.2008 y. O'RQ-139 BOLA HUQUQLARINING KAFOLATLARI TO'G'RISIDA

бузилиш ўз ичига эркин юриш эркинлигини чеклаш (болани хонада қулфлаш шаклида жазолаш), шахсий нарсаларни бузиш, озиқ-овқатдан маҳрум этишни ўз ичига олади.

Бугунги кунда, маъмурий ва баъзида жиноий жавобгарликка тортилган боланинг ҳукуқларини бузилиши учун. Боланинг ҳукуқларини бузганлиги учун ҳукуқни муҳофаза қилиш ва васийлик органларига мурожаат қилиши мумкин.

Бу борада Бола ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро конвенсияда: Конвенсијанинг 34-моддасида боладан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш ва шаҳвоний бузишнинг барча шаклларидан, жумладан болани ҳар қандай ғайриқонуний равишдаги шаҳвоний фаолиятга тортиш ва мажбуrlаш, болалардан фоҳишабозлик ёки ғайриқонуний равишдаги барча шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш, болалардан порнография ва порнография материалларни тайёрлаш мақсадида фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича давлатнинг мажбуриятлари белгиланган.⁶⁵

Бола ҳукуқларининг бузилиши жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин. Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида бола ҳукуқларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Масалан, яшаш ҳукуқини бузганлик (ўлдириш) учун жавобгарликни кўзда тутган қуидагилар моддаларни мисол сифатида келтириш мумкин: 97-модда (қасдан ўлдириш), 98- модда (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш), 100– модда (онанинг ўз чақалоғини қасдан ўлдириш), 102-модда (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш), 103-модда (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш) ва бошқа моддалар.

Боланинг шахсий дахлсизлигини бузганлик учун ЖКнинг 104-106 ва 109-111 моддаларида, яъни қасдан баданга шикаст етказиш ва қийнаш учун

⁶⁵ A.Sayidov “Bola huqlari” Adolat markazi nashri 2014-yil. 224-b

жавобгарлик кўзда тутилган. Бундан ташқари, 235-моддада қийноқлар ва муомаланинг ва жазонинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи турлари учун санксиялар белгиланган. Шаҳвоний зўравонлик орқали шахсий дахлсизликни бузиш учун 118-моддада (номусга тегиш) ва 119-моддада (жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш) жавобгарлик кўзда тутилган. Болага нисбатан бундай жиноятларни содир этиш жазони оғирлаштирувчи холат ҳисобланиб, улар учун оғирроқ жазо тайинланади.

Жиноят кодексида оиласга, ёшларга ва аҳлоққа қарши жиноятларга бағишлиланган алоҳида боб (5-боб) мавжуд бўлиб, унда вояга етмаган ёки Пеҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун (122-модда), болани алмаштириб қўйиш (124-модда), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (125-модда), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш (127-модда), 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (128-модда), 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш (129-модда), порнографик нарсаларни тайёрлаш ёки тарқатиш (130-модда), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда) учун жавобгарлик Эелгиланган.

Боланинг шаҳвоний зўравонлиқдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи, бу ҳуқуқни бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигида тегишли жавобгарлик кўзда тутилиши билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-121 моддаларида номусга тегиш ва бир қатор бошқа жинсий эркинликка қарши жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага кириш (128-модда), 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш (129-модда), порнографик нарсалар тайёрлаш ва тарқатиш (130-модда), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (131-модда) учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш учун ҳам жиной жавобгарлик ҳам кўзда тутилган. Жиноят кодексининг 130-моддасига биноан, намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек уларни 21 ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноий жавобгарликка тортилади

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасига биноан, вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёхвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиласиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, тегишли микдорда жарима ёки тегишли муддатларга аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш – тегишли муддатгача қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний равища муомалага чиқариш билан боғлиқ ҳар қандай жиноятни содир этган шахс томонидан;
- б) икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;
- в) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, студентлар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши – айбни оғирлаштиради ва жазони муддатини тегишли даражада оширади.

“Бола ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунинг 14-моддасини бузганлиқ, яъни болани ғайриқонуний кўчирилиши учун ЖКнинг 135-моддасида (одам савдоси) ва 137-моддасида (одамни ўғирлаш)

жавобгарлик кўзда тутилган. Болага нисбатан бундай жиноятларни содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланаб, улар учун оғирроқ жазо тайинланади.

Жиноят кодексининг 135-моддасида одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар учун, яъни куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш ҳокимиятни сустеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдланаш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки кабул қилиш, одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шаклларини мажбурий меҳнат ёки хизматларни қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Одам савдоси учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг 135-моддасида кўзда тутилган бўлиб, унга биноан бу жиноят айборга олдиндан маълум бўлган 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилса жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва тегишли муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг олдини олишга доир виктимологик чора-тадбирлари умумий тарзда Ўзбекистон Республикасининг “Хукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳукуқий жиҳатдан белгиланган. Мазкур қонуннинг 43-моддасига кўра, ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси сифатида ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳукуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга

қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳукуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси деб таърифланган.

Шунингдек Қонунга мувофиқ виктимологик профилактиканинг умумий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- ушбу турдаги жиноятдан жабрланишнинг сабаб ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бу борада юзага келган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларидан жабрланиш ва зиддиятли вазиятни келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатлардан сакланиш тўғрисида ахолига тушунтириш ишларини олиш бориш;
- қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноятларининг ўчоғи бўлган худудларни аниқлаш ва ушбу жойларда мунтазам равишда умумий профилактик чора-тадбирларни ўтказиш ;
- ўзига нисбатан тажовуз юзага келганида зарурий мудофаа ва охирги зарурат сифатида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан кенг тарғибот қилиш қабилар тавсия этилади.

Бундан ташқари Қонунда чки ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган виктимологик профилактиканинг якка тартибдаги чора-тадбирлари ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра:

- жиноятдан жабрланишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларни аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириб бориш ва улар билан доимий равишда профилактик сұхбатлар ўтказиб бориш;
- виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар билан сұхбатлар давомида уларга қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноят-ларининг содир этилиш усууллари, келиб чиқадиган (моддий, маънавий, жисмоний) заарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида уларни огоҳликка чақиришга қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш;

— жабранишга мойил бўлган ёки жабрланган шахсларга ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш борасида якка тартибда профилактик чора-тадбирларни ўтказиш киради.

“Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари ва принциплари ҳамда уни амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ва уларнинг ваколатлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2833-сонли “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, мазкур Қарорнинг 3-бандига асосан юқорида сўз юритилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларни ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни тегишинча Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича худудий идоралараро комиссиялар этиб қайта ташкил этилди.

Сўнгти йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, илгари “ёпик” бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритишнинг имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хукуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори⁶⁶, “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ-

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хукуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4302023>

4342-сон қарори⁶⁷, “Бола хукуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон қарори⁶⁸, “Бола хукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон фармони⁶⁹нинг қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Хукуқни муҳофаза қилувчи органларининг зўравонликка қарши курашишдаги фаолият ларини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар асосан қўйидагилардан, яъни:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сон қарори.

Амалиётда кўп ҳолларда, хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан болаларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсни қандай бўлмасин ушбу ҳатти-харакатларни қайта тақрорламасликни тушунтириш орқали ҳолатларга ечим бериши кўплаб учрамоқда. Айниқса, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган енгил тан жароҳати етказиш ва хақорат қилиш ҳолати бўйича қўзғатилган маъмурий ишлар судгача етиб бормасдан, ариза берган тарафни ўз аризасини қайтариб олишга ундаш ёки оғзаки тушунтиришлар бериш билан яқунлаш ҳолатлари ҳам мавжуд.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4342-сон қарори. <https://lexuz/docs/4357207>

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хукуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 29 майдаги ПҚ-4736-сон қарори. . <https://lexuz/docs/4831107>

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон фармони. <https://lexuz/docs/5570490>

Афсуски, бундай ҳолатларнинг мавжудлиги оилада болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг латентлик даражаси ошиб кетиши ҳамда такрорланишига олиб келмоқда. Натижада айrim ҳуқуқбузар ота-оналар, васийлар ҳамда қариндошлар содир этган ҳатти-ҳаракатлари учун ҳеч қандай жавобгарликка тортилмасдан колмоқда.

Бундай ҳолларда ҳам вояга етмаган жабрланувчилар билан ишлаш тизимида асосий ваколатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юқлатилган. Шунингдек, ушбу қонунларда келтирилган тадбирлар умумий тарзда, яъни вояга етмаганларни ҳам қамраб олган ҳолда белгиланган. Бироқ юқоридаги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, вояга етмаганларнинг психологияк ва жисмоний хусусиятлари бундай умумийликни қамраб ололмайди. Уларга нисбатан кўлланилаётган виктимологик-профилактика тадбирлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қисман ваколатларини сақлаган ҳолда асосий ваколатларни нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ҳамда кўнгилли жамиятларга бириктирилган ҳолда амалга оширилиши шарт. Бундай масала Швеция амалиётидан келиб чиқсан ҳолдавояга етмаганларни оиласдаги муҳитини сақлаган ҳолда алгоритмни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқишина тақозо этади.

Ўзбекистонда болаларни ҳимоя қилиш тизимининг таркибий қисмлари институционал даражада бўлишига қарамасдан, идоралараро мувофиқлаштириш борасида баъзи интеграцион ишларни амалга ошириш эҳтиёжи мавкуд. Зўравонлик, шафқатсиз муносабат, бепарволик ёки тасодифий шикастланишига дучор бўлган болалар ҳар доим ҳам тегишли ҳимоя хизматларини олмайдилар ва кўпинча маҳсус муассасаларга бириктирилмайдилар. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро даражадаги эксперталарнинг 2017 йилда олиб борилган бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини баҳолашда маҳаллий ҳокимият органлари ва таълим, ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари ҳимояга муҳтоҷ болаларни аниқлаш ва уларнинг эҳтиёжларини қондириш

учун керакли билим, кў尼克ма ва воситалар билан таъминланиши лозим эканлигини алоҳида таъкидладилар. Бола ҳимояси билан боғлиқ масалалар бўйича маълумот ҳам чекланганлиги уша йилги таҳлилларда намоён бўлган.⁷⁰

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қонун-хужжатларини самарадорлигини ошириш ҳамда уни амалиётга тўғри йўналтирилган ҳолда татбиқ қилиш, шунингдек жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, тазийк ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш бўйича сайд-харакатларни доимий равишда изчил амалга ошириш содир этилаётган зўравонликнинг камайишига олиб келиши аниқдир.

⁷⁰ www.unicef.org

3.2 Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар виктимизацияси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш омиллари ҳамда ҳуқуқий ечимлар.

Юртимизда барча болалар зўравонликдан қонун билан ҳимояланган. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида Конунчилик палатаси томонидан 2007-йил 23-ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007-йил 1-декабрда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг Конунида бола ҳуқуқларининг кафолатлари тартибга солинган.⁷¹ Унга кўра Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Бундан ташқари бу йўналишдаги энг катта ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжат сифатида амал қилувчи 1924 Женевада қабул қилинган “Бола ҳукулари тўғрисидаги конвенсия”да болалар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг шахсига нисбатан бўладиган муносабатларга кенг тарзда изоҳ берилган⁷².

Бироқ шуни алоҳида эътиборга олиш керакки, юқирида келтирилган жавобгарликни ўзида акс эттирувчи ЖК ва МЖТК нормаларининг бланкет диспозицияси сифатида мазкур Конуннинг 10-моддаси 4-хатбошисида давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларидан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, кийноқларга солищдан ёки шафқатсиз, кўпол ёхуд инсон қадр-кимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб

⁷¹ www.lexuz

⁷² O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi huzuridagi Tergov departamenti ma’lumotlariga asosan ushbu konvensiya 1989 yil 20 noyabrda Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 44/25-sessiyasi da qabul qilgan O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining 1992 yil 9 dekabrdagi 757-XII-sonli qarori bilan ratifikatsiya qilingan. Manba: departamentning rasmiy sayti.

етилишидан ҳимоя қилинишини амалга ошириши белгиланган. Бироқ, Қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларда жисмоний, рухий ва жинсий зўравонлик, шаҳвоний шилқимлик тушунчаларига таъриф берилмаган. Шуни инобатта олган ҳолда Қонунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган З-моддасини тадқиқот ишида кўрсатиб ўтилган зўравонлик турларини аниқлаштирувчи тушунчалар билан тўлдириш лозимdir.

Конституциямизнинг 65-моддаси болалик, оила давлат ҳимоясида эканлигини; болаларга ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш— ота-оналарнинг ҳам ҳуқуқи, ҳам мажбурияти эканини эълон қиласи. Мазкур соҳадаги оилавий-ҳуқуқий меъёрлар аниқ таърифланмаган, ота-оналар фарзандларини тарбиялаши, уларнинг соғлиғи, жисмоний, рухий, маънавий ривожланиши ҳақида жон кўйдириш ҳуқуқи ва мажбуриятига эгалар. Ота-оналар зиммасига фарзанд тарбияси бўйича мажбуриятни юклаш билан бир вақтда боладан ота-оналинг кўрсатмаларига, агар улар бола манфаатларига мос келса, амал қилишларини талаб қилиш зарур. Ота-оналар ҳам, фарзандлар ҳам мазкур мажбуриятларни лозим даражада бажарган ҳолдагина якуний ижобий натижага эришиш мумкин.

Ота-оналил мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, бу ерда ота-оналил мажбуриятларни мунтазам, яъни бир неча маротаба бажармаслик, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик қилмаслик (овқатлантирилмаслик, зарур кийим, тиббий ёрдам билан таъминламаслик – хуллас боланинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириш учун хеч нима қилмаслик) назарда тутилган. Бу маънавий ва жисмоний ривожлантириш, ижтимоий жиҳатдан фойдали меҳнатга тайёрлаш ҳақида қайғурмасликда, таълим олишига беписандлик билан муносабатда бўлишда ифода бўлиши мумкин⁷³.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида

⁷³ Limber, S. P., Olweus, D., & Wang, W. (November, 2012). What we are learning about bullying: trends in bullying over 5 years. Paper presented at the meeting of the International Bullying Prevention Association. Kansas City, MO.

болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулотларининг турлари келтириб ўтилган.

Булар болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, ўз соғлиғига заар өтказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундейдиган, порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган, эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган ва ҳоказо ахборот маҳсулотларидир.

Қонуннинг 24-моддасида эса, болаларни уларнинг соғлиғига заар өтказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганикда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2018 йилдаги 848-сон Қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига заар өтказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш пунктларининг эгалари ўз фойдаланувчиларига ёшга оид тоифага мос келмайдиган ахборотдан ва тақиқланган ахборот маҳсулотидан фойдаланишга имконият бергани учун жавобгар бўлади. Бироқ, айнан қандай тартибда жавобгар бўлишлари белгилаб берилмаган.

Бугунги кунда, болалар онгига руҳий таъсир кўрсатувчи ахборот маҳсулотларининг оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда намойиш этилиши болаларни ўз жонига қасд қилишларининг ёки бошқа ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишларининг омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай ноўрин ҳолатларни болаларнинг ўлимига олиб келиши ташвишли ҳолдир.

Мисол учун⁷⁴, Дўстлик туманида яшаган, 2008 йилда туғилган вояга етмаган С.Б. яшаш хонадони кириш эшиги тутқичига рўмоли билан бўйин соҳасидан ўзини осиб, ўз жонига қасд қилган. Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида С.Б. “Sevimli” телеканалида “Сўйла қора денгиз” номли турк телесериалининг соат 09:00 ларда эфирга узатилган навбатдаги қисмида сериал қаҳрамони ўз жонига қасд қилиб, тирик қолганлиги саҳнасини томоша қилганлиги ва бу ҳақда онасидан ўз жонига қасд қилган тақдирда тирик қолиш мумкинлиги ҳақида сериал мисолида сўраганлиги, онасининг бу фақат киноларда бўлиши мумкинлиги тўғрисида тушунтирганлигига қарамасдан, намойиш этилган саҳнани ўз жонида синаб кўриб, С.Б. ўз жонига қасд қилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолатни ўрганиш мақсадида сериалнинг тегишли қисми қайта кўриб чиқилганда, ҳақиқатдан ҳам сериал қаҳрамонининг ўз жонига қасд қилиш саҳналари мавжудлиги маълум бўлган.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.10.2018 йилдаги 848-сон Қарори билан тасдиқланган “Болаларни уларнинг соғлиғига зарап етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилийchora-тадбирлар, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талабларни белгилаш тўғрисида”ги Низомга кўра, болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти теле ва радиоузатиши орқали соат 6 дан 22 гача тарқатилиши тақиқланади.

Ёки, “Aqlvoy” болалар телеканалида эфирга узатилган мультфильмларда 2 та ҳолатда уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилишга ундовчи ҳамда эркак ва аёл ўртасидаги ишқий муносабатларни тасвиrlовчи саҳналарнинг намойиш этилиши ижтимоий тармоқларда ўринли эътиrozларга сабаб бўлган⁷⁵.

⁷⁴ Маълумот Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган. 2022 йил апрель

⁷⁵ <https://t.me/TYUZBEK/17971> , <https://t.me/TYUZBEK/19374>

Юқорида қайд этилган тақиқланган ахборот маҳсулотларининг болалар орасида тарқатилиши келгусида улар иштирокида “ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-м)” ёки “ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш (ЖК 129-м)” каби жиноятларнинг содир этилишига олиб келиши эҳтимолидан ҳоли эмас.

Бу эса, ўз навбатида, вояга етмаган қизларнинг эрта ҳомиладор бўлишларига ва эрта туғруқ ҳолатларига замин яратади. (Маълумот учун: жорий йилнинг 7 ойида ЖКнинг 128-моддасида назарда тутилган жиноятлар сони 177 (106) тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 71 тага ошган. ЖКнинг 129-моддасида назарда тутилган жиноятлар сони эса, 51 (30) тани ташкил этиб, 21 тага кўпайган. Ўсмир қизлар ўртасида 82 (39) та эрта туғруқ ҳолатлари қайд этилиб, 43 тага ортган)⁷⁶.

Таҳлиллар, болаларнинг жисмоний, руҳий, маънавий ҳамда ахлоқий ривожланишига ахборот орқали заарар етказилишини, улар ўртасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек, ушбу соҳадаги хукуқбузарликларни профилактика қилиш мақсадида, болаларни уларнинг соғлиғига заарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун аниқ жавобгарликни белгиловчи норма киритишни тақозо этмоқда.

Вояга етмаганларнинг бундай виктимизациялашувига қарши курашда ота-оналар ва қонуний вакиллар ҳамда давлат идоралар қандай ёрдам бериши мумкин? Бундай сабабларга хукуқий ечим сисатида Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга вояга етмаганларни заарли ахборотдан ҳимоя қилишда ахборот тақдим қилувчи тегишли идоралардан ташқари ота-оналарни жавобгар қилиш лозимдир. Чунки юқорида келтирилган кўнгилсиз ҳодисаларни олдини олишда ота-оанлар ҳам қонун олдида масъулдирлар.

⁷⁶ Маълумот Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган. 2022 йил апрель.

Болага нисбатан зўравонлик қўлланилишининг олдини олиш зўравонлик билан бевосита боғлик бўлган қонунлар чегарасидан ташқарида бўлган масалаларни ҳам қамраб оловчи хуқуқий ислоҳотларни талаб этади. Қонуний ва миллий-сиёсий чора-тадбирлар доираси ҳам болалар орасида зўравонликнинг кенг қамровли майдонда камайишини таъминлаш учун ҳар қандай сабабларига қарши курашиши ҳамда ҳимоя қилувчи омилларни кучайтириши лозим.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда олиб борилаётган қонунчилик ислоҳотлари бўйича идоралараро эксперталар гурухи Жиноят ва Фуқаролик протсессуал кодексларига, жумладан, жабрланган болалар ва гувоҳ болаларни ҳимоя қилиш, қонуний кафолатлар ва қонун билан муаммога учраган болалар учун озодликдан маҳрум этишни муқобил усулларни кенгайтиришни ўз ичига олади.⁷⁷

⁷⁷ www.unicef.org

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жаҳон бўйлаб болалар зўравонликка учраётган бир пайтда қуидаги ишларни амалга ошириш бу ҳолатни енгиллаштиради:

-оилада болага бўлган эътибор, унинг кун тартибини тўғри тақсимлашни йўлга қўйиш;

-бу борада давлат томонидан тартибга солинган қонун, фармон ва бошқа норматив-хукукий ҳужжалар ижросини кучли назоратга олиш;

-болалар ва уларнинг ота-оналари учун даврий психологик ишлар олиб боришни йўлга қўйиш;

-якка она ёки, якка ота қарамоғидаги болалар, ота-онаси оламдан ўтган болалар учун алоҳида норматив-хукукий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Юқоридаги таклифларни ўрганиб чиқиш ҳамда тасирчан тизимли ишларни ушбу соҳада амалга ошириш юртимизда болалар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириб, уларни хавфсиз, эркин ва ёрқин келажакка бошлиши шубҳасиз. Шу сабабларни ҳисобга олган ҳолда қуидагиларни таклиф сифатида келтиришимиз мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Конунининг “Асосий тушунчалар” деб номланган З-моддасини тадқиқот ишида кўрсатиб ўтилган зўравонлик турларини аниқлаштирувчи тушунчалар билан тўлдириш лозимdir.

Жисмоний зўравонлик - шафқатсизлик ва болага оғриқ келтирувчи ҳамда унинг соғлиги ва ривожланинига зарар етказувчи инсониятга мос бўлмаган мақсадга йўналтирилган бошқа хатти-ҳаракатлар:

- болага етказилган ҳар қандай тана жароҳати ёки оғриқ;
- болани ҳар қандай жисмоний жазолаш - тарсаки, калтаклаш, таҳқирлаш

- болани дори ёки бошка кимёвий воситалар ёрдамида захарлаш.

Жинсий зўравонлик - катталарнинг жинсий эҳтиёжларини қондириш учун болалардан фойдаланиш. Болани жинсий фолиятга жалб қилиш учун таҳдид, куч, айёрлик ва ишончдан фойдаланиш.

- бола билан ҳар қандай жинсий алокага ёки муносабатлар (куч ишлатган ҳолда ёки ишлатмасдан)
- болани жинсий алокага жалб қилувчи ҳар қандай хулқ-атвор
- жинсий тавсифдаги ҳар қандай хатти-ҳаракатлар - уйинлар, сухбатлар, фото ва видео гасвирларни томоша қилиш

Эмоционал (рухий) зўравонлик - болага лозим даражада эътибор бермаслиқ, ғамхўрлик қилмаслиқ, қўллаб-куватламаслиқ, ҳиссий якинлик кўрсатмаслиқ. Бола доимий равишда эътибор ва меҳрнинг етишмаслигини ҳис қилиб туради, таҳдид ва камситишиларга дучор бўлади ва бу ўз қадр-қимматини билмаслиқ ва ўзига ишончсизликни ошишига олиб келади.

- ёлғон, таҳдид. қўрқитиш, камситиш, ҳақорат қилиш;
- боладаи воз кечиш, изоляция
- ноижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ва мажбурлаш
- бола бажара олмайдиган ишларии бажаришни асоссиз талаб килиш
- боланинг меъёрида ривожланишига тўсиқ бўлувчи ортиқча ҳомийлик

